ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

“Автомобиль-йўл корхоналари иқтисодиёти ва бошқаруви” кафедраси

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ МЕНЕЖМЕНТИ

фанидан

# МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

**ТОШКЕНТ-2012**

“Йўл хўжалиги менежменти” фанидан маърузалар матни мажмуининг асосий вазифаси талабаларга автомобиль йўл тизимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодиётидаги ўрни ва унга таъсири, моҳиятини ўргатиш киради.

Йўл хўжалиги менежменти

Маърузалар матни “” фани дастури асосида ишлаб чиқилган ва “Автомобиль-йўл корхоналари иқтисодиёти ва бошқаруви” кафедрасининг «___»________2012 й. (баённома №__) мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Кафедра мудири: проф. Саидов М.Х.

Тузувчилар: кат. ўқит. Касимова Д.Р.

ассис. Комолов С.Х.

Тақризчи:

т.ф.н. доц. Пўлатов Ш.Й

Маърузалар матни “Транспорт ва транспорт коммуникацияси бошқаруви” факультетининг Илмий-услубий Кенгашида тасдиқланган.

Баённома №__ « __ »_________2012 й.

Факультет илмий-услубий кенгаш раиси:

доц. Абдуллаев А.М.

## Кириш

Ўзбекистон ўзининг истиқболли келажагини барпо этиш мақсадида иқтисодиётини ривожлантиришнинг асоси қилиб бозор иқтисодиётини танлади.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш учун етарли шарт-шароитларни яратишга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада бозор инфратузилмаси жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда.

“...маълумки, ҳар қандай иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг қанчалик ривожланганлиги ўша мамлакат иқтисодий даражасини кўрсатиб берувчи асосий омил ҳисобланади”- И.А.Каримов. Шундан келиб чиқан ҳолда ҳар қандай давлат ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши эса унинг қандай бошқарилишига боғлиқ бўлади.

Ўз навбатида бошқарув жараёни ҳам мураккаб ва серқиррали фаолият ҳисобланади. Ҳар бир корхона ички ва ташқи омиллар табиатидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлиб, нимани, қандай қилиб, қанча ва кимга ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш бўлса, бошқарув бу му-носабатларни амлга оширишда асосий дастак вазифасини бажаради.

Ушбу маърузалар матни барча иқтисодиёт мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш сир-асрорлари, қонун-қоидаларини ўрганишга қаратилган. Бу фан талабаларда ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

“Йўл хўжалиги менежменти” фанини ўқитишдан мақсад талабаларда бошқариш муаммоларига қизиқиш уйғотиш, амалий ташкилотчилик фаолиятига иштиёқ туғдиришдир. Чунки ҳозир бошқариш асосларини ўрганаётган талабалар келгусида бошқариш тизимининг ходимлари, кичик ва ўрта, катта жамоаларнинг раҳбарлари, корхона ҳамда фирмаларни иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник фаолиятининг турли соҳаларини бошқариш бўйича лойиҳалар, тадбирлар ишлаб чиқувчилар бўлиб етишадилар. Бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам уларнинг зиммасига тушади.

Йўл хўжалиги менежменти асоси унинг объектив иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қонунларга таянган асл илмийлигидир. Бу қонунларни маълум шаро-итларда ўқиб ва ўрганиб, хўжалик раҳбарлари Республика халқ хўжалигини бошқаришнинг стратегияси ва тактикасини аниқлайди.

Иқтисодий ислоҳотларни олға суриш, иқтисодни умумжаҳон хўжалигига кириб бориши учун бошқарув муносабатлари механизмини мукаммал билиш керак.

Талабаларга тавсия қилинган бу фаннинг мақсади менежмент тушун-часининг асосий ғояларини етказиб бериш, “Менежмент” таълим соҳаси бўйича тайёрланадиган бакалавр кадрларга иқтисодий муносабатларда бошқарув сир-асрорларини ўргатиш, уни таҳлил қилиш ва келиб чиққан му-аммоларни тўғри еча билиш йўлларини ўргатишдан иборатдир.

## 1-мавзу. «Йўл хўжалиги менежменти» фанининг аҳамияти ва ўрни

1.1. «Йўл хўжалиги менежменти» фанининг аҳамияти ва ўрни.
1.2. Менежментда илмий ёндашувлар мажмуи.
1.3. Йўл қурилиш корхоналари менежменти тизимининг тузилиши.

### 1.1. « Йўл хўжалиги менежменти » фанининг аҳамияти ва ўрни

Ҳозирги кунда менежмент иборасига кўплаб таърифлар келтирилган.

***Менежмент*** – бу инглизча сўз бўлиб, инглиз тилининг Оксфорд луғатида берилган таърифга биноан у:

- бошқарув ҳокимияти ва санъати;
- ресурсларни бошқариш бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалар тушунилади.

Бошқача сўз билан атйганда, менежмент – бу бошқарув, яъни ресурсларни, одамларни бошқариш, самарали фаолият олиб бори шва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан бошқарув – бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилишдир.

Бугунги кунда менежмент ва бошқарув тўғрисида қуйидаги умум қабул қилинган фикрлар мавжуд:

| | | |
|---|---|---|
| **Бошқарув** | • Юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов;<br>• Мустақил фан;<br>• Фаолият тури, функция;<br>• Жараён;<br>• Ташкилотларни бошқарувчи кишилар;<br>• Бошқарув аппарати ёки органи. | **Менежмент** |

Ҳар қандай фаолиятнинг ижобий натижа бериши, энг аввало, танловни тўцри бажара олишга, маъқул ва ишончли қарорни қабул қила олишга ҳамда бу қарорнинг бажарилишини назорат қила олишга боғлиқ.

***Харажат*** – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва уни сотиш ҳамда иш ҳақи тўлашга сарфланадиган маблағлар йиғиндисидир. Харажат таркибига:

- *маҳсулот (хизмат) таннархи;*
- *маъмурий харажатлар;*
- *ижара ва фоиз тўловлари;*
- *иш ҳақи;*
- *солиқлар киради.*

Бозор иқтисодиётида танлаш қоидаси янада жиддийлашади. Зеро, ишлаб чиқариш (хизмат) учун ресурслар тўғри танлангандагина ва улардан самарали фойдалангандагина харажатлар юқори фойда келтириши мумкин.

***Наф*** – бу маҳсулот (хизмат)нинг истеъмолчиларга қанчалик ижобий натижа келтиришидир. Харидор харид қобилияти доирасида энг нафли молнии танлашга интилади. Шундагина у қониқади. Аммо товарнинг нафлилиги қанча юқори бўлса, унинг нархи ҳам шунча баланд бўлади. Бу эса, ўз навбатида, харидорнинг сотиб олиш қобилиятини пасайтиради.

***Баҳо*** – бу товар ва хизматларнинг пулда ифодаланган қийматидир. Баҳо иккита асосий вазифани бажаради:

- ***ресурслар истеъмолини чеклаш имконини беради;***
- ***ишлаб чиқариш учун туртки бўлиб хизмат қилади.***

Маълумки, бирор ашё (ресурс ёки товар)қанча камёб бўлса, унинг нархи шунча баланд бўлади ва, бинобарин, уни сотиб олмоқчи бўлганлар шунча кам бўлади. Иқтисодчилар буни *нархнинг чекловчилик самараси* деб атайдилар.

Фойдага таъсир этувчи бу уч унсурнинг моҳиятини англаган бошқарувчигина танловни тўғри амалга ошириши ва оқил қарорни қабул қила олиши мумкин. Бошқариш санъати ва маҳорати, яъни менежмент, шундагина намоян бўлиши, пировардда эса юқори фойда олишга эришилиши мумкин. Шундай қилиб содда қилиб айтганда:

| |
|---|
| ***Бошқарув*** – бу танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнидир. |

Джек Дункан: менежмент-бошқарув амалиёти ва тадқиқоти назарияси, иқтисодий ва ижтимоий институтларнинг тадрижий ривожланиши ёки бошқарув муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ йўналишдир.

Инглиз тилининг фундаментал луғати Оксфорд луғатида менежментга қуйидагича таъриф берилади: у инсонлар билан мулоқот қилиш усуллари, услублари; ҳукумат ва бошқариш санъати; моҳирлик ва маъмурий билимлар; бошқарув органи, маъмурий бирликдир. «Хорижий сўзлар луғатида» менежмент ўзбек тилига ишлаб чиқариш самарадорлигини ва унинг фойдалилигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни бошқариш тамойиллари, услублари, воситалари, шакллари мажмуи ва ишлаб чиқаришни бошқариш сифатида таржима қилинади.

Бугунги кунда менежмент тўғрисида умум қабул қилинган фикрлар мавжуд: 1) менежмент яхлит ҳолатдаги жараён бўлиб, профессионал тайёргарлик кўрган мутахассислар ёрдами билан корхонани шакллантиради ва уни мақсадни белгилаш ва ривожлантириш, рағбатлантириш каби функцияларни бажариш йўлларини ишлаб чиқиш билан бошқаради; 2) ўзининг ўрганиш предмети, махсус муаммолари ва бу муаммоларни ечишга қаратилган ёндашувларга эга бўлган мустақил билим ва фандир; 3) корхона фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсир даражасини ҳисобга олувчи бошқарув санъати; 4) замонавий

корхонанинг ўзига хос бошқарув органи; 5) бошқарув функцияларини бажарувчи, менежерлар категориясидир (1-расм).




**1-расм.** Менежмент тушунчасини ифодалашга ёндашув.

Юқоридагилардан келиб чиқиб менежмент бу - корхонанинг эркин иқтисодий ва рақобат муҳитида кадрлар, хом ашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган профессионал билим ва фаолиятлар жараёнидир. Шунингдек, менежмент кўп қиррали бошқарув фаолиятининг бир қисми бўлган ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Корхонани самарали бошқариш учун менежментнинг илмий асослари ишлаб чиқилади.

Менежментнинг илмий асослари қуйидаги қисмлардан иборат:

**Йўл қурилиш корхона**

- Менежмент асослари:
  1. Бошқариш назарияси
  2. Ташкил этиш назарияси
  3. Бошқариш тизимини текшириш
  4. Бошқарув қарорларини ишлаб чикиш
- Стратегик менежмент:

  (режалаштириш, танлаш ва бошқариш стратегиясни амалга ошириш)
- Молиявий менежмент:

  (молияни бошқариш)
- Инновацион менежмент:

  (янгиликлар киритишни бошқариш)
- Ишлаб чиқариш менежменти:

  (режалаштириш, ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш)
- Экологик менежмент

  (экологияни бошқариш)
- Ташқи иқтисодий фаолият менежменти:

  (ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш)
- Ходимларни бошқариш:

  (корхона ходимлари билан ишлаш услуб ва усуллари)

Ишлаб чиқариш менежменти- олий маълумотли бакалавр ва магистрларни йўналиши бўйича «менежмент» мутахассисларини тайёрлаш дастурига киритилган менежмент фанларидан биридир. «Йўл хўжалиги менежменти » фани «Менежмент асослари», «Маркетинг», «Стратегик менежмент», «Инновацион менежмент», «Бошқаришни ташкил қилиш назарияси», «Молиявий менежмент», «Статистика», каби фанлар билан боғлиқ бўлиб, бу фан ушбу фанлар асосидаги билимларга таяниб ўрганилади.

Йўл маҳсулотининг ҳаётийлик даврида (циклида) «Йўл хўжалиги менежменти» бу даврнинг марказида жойлашади. Ишлаб чиқариш босқичи бошлангунга қадар маркетинг босқичи, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) олиб борилади. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкилий технологик тайёргарлигини (ИТТТ)ҳуқуқий шахс ҳисобланган корхона ёки ишлаб чиқарувчининг ўзи амалга ошириши мумкин. Янги товар ишлаб чиқариш босқичидан ўтиб бўлганидан кейин айланиш, сотиш ва фойдаланиш босқичини босиб ўтади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш тизими ёки ишлаб чиқариш менежментининг тизим сифатидаги самарадорлиги тўлиғича стратегик

менежмент, ИТТКИ ва ИТТТ бўйича бажариладиган ишлар сифатига боғлиқ эканлиги аен булади.

Агар корхонанинг ишлаб чиқариш тизимида фойдаланиладиган жиҳозлар, технологиялар. ишлаб чиқаришнғ ташкил этиш ва бошқа компонентлар аъло даражада бўлсаю, аммо корхонанинг стратегик компонентлари(«кириш» тизими) етарли даражада асосланмаса ва рақобатбардошлик талабларига жавоб бермаса, у ҳолда, («кириш» тизими сифатидан келиб чиққан ҳолда) «чиқиш» тизими талабга жавоб бермайди.

Қуйидаги шартларга риоя қилиш орқали «Чиқиш» тизими юқори самарадорликка ёки ишлаб чиқарилаётган товарнинг рақобат-бардошлигини оширишга эришилади:

1) стратегик менежмент ва стратегик маркетинг бўйича бажариладиган ишлар юқори даражада бўлиши, рақобат талабларига жавоб бериши керак;
2) корхонанинг ишлаб чиқариш тизимидаги технология, жиҳозлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа компонентлар рақобатбардошлик талабларига жавоб бериши.

Юқоридаги биринчи шартларни бошкариш услубиёти махсус адабиётлар ва «Стратегик менежмент», «Маркетинг» каби фанларда ўрганилган ва ёритиб берилган.

Кейинги иккинчи шартларни бажариш услубиёти «Ишлаб чиқариш менежменги» фанидан куриб чикилади.

Ушбу фанда ишлаб чикариш, тизимини “Кириш” тизими сифати даражасига олиб чиқишга харакат қилинади ва бунга алоҳидааҳамият берилади. Бундан келиб чиқиб «Кириш» ва «Чиқиш» тизимини қайта ишлаш яхлит равишда кўриб чиқилади.

## 1.2. Менежментда илмий ёндашувлар мажмуи

Бошқарув қарорларининг сифат ва самара даражаси, биринчи навбатда муаммоларни ечиш услубиёти, ёндашувлари, тамойилларининг асосланганлиги билан аниқланади. Бироқ ҳозирги кунда менежментда бу борада нечта илмий ёндашувлар ва тамойиллар қўлланилмоқда.

Бугунги кунга қадар менежмент йўналишида олиб борилган тадқиқотлар ва амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, менежментда қуйидаги 13 илмий ёндашувларни қўллаш мумкин экан: тизимли, комплекс, интеграцион, маркетинг, функционал, динамик, такрор ишлаб чиқариш, жараёнли, меъёрий, миқдорий, маъмурий, ташкилий, вазиятли. Ушбу санаб ўтилган ҳар бир ёндашувлар менежментнинг бирон - бир қиррасини акс эттиради ёки тавсифлайди.

Бу ёндашувларнинг таркиби ўрганиб, таққослаб кўрилганда улар синонимлар эмаслиги ва бир - бирини такрорламаслиги аён бўлди.

Тизимли ёндашув. Тизимли ёндашувда ҳар қандай кириш ва чиқиш тизими ташқи муҳит билан қайта алоқага эга бўлган ўзаро боғланган этлементлар мажмуи сифатида қаралади. «Кириш» тизимида «Чиқиш» тизим ишлаб чиқилади.

Комплекс ёндашув. Комплекс ёндашув қўлланнлаётганда менежментнинг техник, экологик, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, психологик қирралари, зарурият туғилганда эса бошқа қирраларини ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳам ҳисобга олиш керак. Агарда менежментнинг бирон - бир зарурий қирраларидан бири эътибордан четда қолса, у ҳолда муаммо ечимсиз қолади. Афсуски, амалиётда бу қоидага кам амал қилинади. Масалан, янги корхона қурилаётган пайтда ижтимоий муаммолар «Кейинга» қолдирилади, бунинг оқибатида эса объект умуман ишга туширшшайди, ёҳуд бир қисмигина фойдаланишга топширилади.

Интеграцион ёндашув. Менежментда интеграцион ёндашув корхонада: а) менежмент тизимининг алоҳида тизим остки тизимлари ва элементлари ўртасидаги; б) бошқарув объекти ҳаётийлик цикли босқичлари ўртасида; в) бошқарувнинг вертикал дараждаси ўртасидаги; г) бошқарув субъектлари горизонтал бўйича ўзаро алоқаларини тадқиқ этишга за кўпайтиришга мўжаллангач.

Маркетинг ёндашуви. Бошқарув тизими истеъмолининг ҳар қандай вазифаларини ҳал қилишда маркетинг ёндашузига асосланади. Маркетинг мезонларини танлашнинг ушбу афзалликллрн мавжуд:

истеъмолчи эҳтиёжга мувофиқ тарзда объект сифатини ошириши;

сифатни ошириш ҳисобнга истеъмолчнлардан ресурсларни тежаб қолиши;

ишлаб чиқариш масштаби омплляри, илмий-техник тараққиёт, менежмент тизимини қўллаш эвазига ишлаб чиқаришда ресурсларни иқтисод қилиш. Авиаконструктор О.К.Актанов иборасй' билан айтганда, аввало, маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига унинг «ўз нархини» ана ундан кейин - таннархини пасайтиринг.

Функционал ёндашув. Менежментда функционал ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, у талабни қондириш учун керак бўладиган функциялар мажмуи сифатида қаралади. Функциялар белгилангандан кейин бу функцияларни бажариш учун бир нечта муқобил объектлар яратилади ва улар орасидан объект ҳаётийлик цикли учун энг каМ сарф-ҳаражат талаб қиладигани танлаб олинади.

Динамик ёндашув. Динамик ёндашув қўлланилаётганда 5-10 ва ундан ортиқ йиллар учун шу ўтган давр учун ретроспектив таҳлил ва истиқболли таҳлил ўтказиш орқали бошқарув объектининг диалектик ривожланиши кўриб чиқилади.

**Такрор ишлаб чиқариш ёндашуви**- бозордаги мавжуд талабни қондириш кам ҳаражатли, энг яхши товарларни ишлаб чиқаришни доимий янгилаб туришга мўлжалланган ёндашувдир. Такрор ишлаб чиқариш ёндашувининг элементлари бўлиб:

1) объектни янгилаш режалаштирилаётганда таққослашнинг илғор базаларидан фойдаланиш;
2) вақтни тежаш қонунига амал қилиш;
3) такрор ишлаб чиқариш циклида объектнинг ишлаб чиқарилган, режалаштирилаётган ва истиқболли моделларининг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиш;
4) такрор ишлаб чиқаришда ташқи муҳит элементларини сифат ва миқдор бўйича пропорционаллигига эришиш;
5) комплекс бирлашмалар, йирик фирмаларнинг фан ва ишлаб чиқариш доирасидаги бирлашуви ҳисобланади.

**Жараёнли ёндашув**. Жараёнли ёндашувда бошқарув функциялари ўзаро боғланган, бир тизим сифатида қаралади. Бошқарув жараёни барча функцияларининг ўзаро боғланган узлуксиз ҳаракатларнинг умумий йиғиндиси ҳисобланади.

**Меъёрий ёндашув**. Меъёрий ёндашувнинг моҳияти шундаки, менежмент тизимидаги барча тузилма бўйича бошқарувнинг меъёрлари белгиланади. Меъёрлар муҳим элементлар:

а) мақсадли тузилмалар (маҳсулотнинг сифат ва ресурс сиғими кўрсаткичи, жамоанинг ижтимоий ривожланиши, атроф муҳит муҳофазаси);

б) функционал тузилма тизимлар (менежмент тизимининг ташкил этилиши, ҳисоб ва назорат сифати, меҳнатни рағбатлантириш меъёри);

в) таъминловчи тузилма (ишчилар ва бўлимларнинг нормал фаолият олиб бориши учун барча зарур элементлар билан меъёрий таъминланиши). Бу меъёрлар яхлитлилик, самаралилик, асосланганлилик, истиқболлилик меъёрларига жавоб бериши керак.

Корхона ташқи муҳитда мавжуд бўладиган элементларнинг меъёрийлигини бошқара олмайди, аммо корхона бу меъёрлар банкига эга бўлиши, уларга (асосан ҳуқуқий ва экологик меъерларга) амал қилиши ва корхона ташқи муҳити меъёрлари тизими ривожидаиштирок этиши керак. Менежмент тизимининг ҳар бир элементи бўйича меъёрлар қанчалик асосланган бўлса, бошқарувнинг барча даражаларида унинг ташкил этилиши, режалаштирилиш, ҳисоб ва назоратнинг автоматлаштирилганлик даражаси шунчалик юқори даражада бўлади.

**Миқдорий ёндашув.** Миқдорий ёндашувнинг моҳияти, сифатий баҳолашнинг миқдорий баҳолашга ўтишини англатади. Миқдорий баҳолаш математик, статистик услублар, инженерлик ҳисоби, эксперт баҳолаш, балли тизим ва бошқа усуллар орқали олиб борилади. Бунда бошқарувни сўз билан эмас, сонлар билан олиб бориш керак.

**Маъмурий ёндашув**. Маъмурий ёндашув функция, ҳуқуқ, мажбуриятларни, сифат меъёрларини, ҳаражатларни, менежмент тизими элементларини меъёрий актлар(буйруқ, фармойиш, кўрсатма, стандарт, инструкция ва ҳ.к)да қатъий белгиланиши билан ифодаланади.

**Ташкилий ёндашув.** Ташкилий ёндашувнинг мақсади корхонани бошқариш ва қуришда ишловчилар ўзларининг шахсий имкониятларини, ижодий қобилиятларини ташкилий билим моҳиятига асосан қўллашларига ёрдам беришдан иборатдир. Бу ёндашувнинғ асосий мақсади бўлиб, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазига корхона самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ташкилий ҳаракат ҳақидаги билимни тўғри қўллай олиш ҳар доим ҳам корхона самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Вазиятли ёндашув.**Вазиятли ёндашув бошқарувда қўлланилаётган турли услубларнинг самарадорлигини яққол вазиятлар орқали аниқланишига эътиборини қаратади. Корхонанинг ички ва ташқи муҳитида шунчалик кўп омиллар мавжудки, бу омиллар объектни бошқаришнинг ягона, энг яхши усулини танлашга имкон бермайди. Аниқ вазият учун энг самарали услуб бўлиб, ушбу вазиятга ҳар томонлама мувофиқ келувчи ва унга максимал даражада мослашган услуб ҳисобланади.

### 1.3. Йўл хўжалиги менежменти тизимининг тузилиши

Йўл хўжалиги менежменти тизимининг тузилиши менежментнинг илмий ёндашувлари талабларига максимал даражада жавоб бериши керак. Бунда қуйидагича тизим тузулмасини таклиф этилади:

1.1. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;
1.2. Ресурсларни тежаш;
1.3. Маҳсулот сотиш бозорини кенгайтириш;
1.4. Ишлаб чиқаришни ташкилий-техник ривожлантириш;
1.5. Жамоани ижтимоий ривожлантириш ва атроф муҳитнисақлаш;
2.1. Услубий таъминот;
2.2. Ресурс таъминоти;
2.3. Информацион таъминот;
2.4. Ҳуқуқий таъминот;
3.1. Маркетинг;
3.2. Режалаштириш;
3.3. Ташкил этиш;
3.4. Ҳисоб ва назорат;
3.5. Рағбатлантириш;
3.6. Мувофиқлаштириш;
4.1. Ходимларни бошқариш;
4.2. Менежмент социологияси ва психологияси;
4.3. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
4.4. Қарор қабул қилишда таҳлил;
4.5. Қарор қабул қилишда башорат қилиш.






**2-расм.Йўл хўжалиги менежменти тизимининг тузилиши.**

Корхонанинг самарали ва барқарор фаолият олиб боришига таъсир этувчи ташқи муҳит компонентларига корхонанинг макромуҳит, ҳудуд инфратузилмаси ва микромуҳити киради.

Менежмент тизимининг «кириш» компонентига услубий, меъёрий, лойиҳа-конструкторлик ишлари ва ҳужжатлари, хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар, энергия, янги жиҳозлар, янги меҳнат ресурслари ва ахборотлар киради.

Менежмент тизимининг «чиқиш» тизимига эса ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг сифати, ресурс сиғими, белгиланган муддатда етказиб бериш хизматлари киради.

«Қайта алоқа» таркибий қисм талаб, реклама, корхонанинг истеъмолчилари ҳақидаги янги ахборотлар, илмий-техник тараққиёт, инновациянинг эришган ютуқлари ва бошқа омиллар киради.

Менежмент тизими кўриб чиқилаётганда, аввало маркетинг тадқиқотлари асосида «чиқиш» ойдинлаштирилади, ундан сўнг «ташқи муҳит» ва «кириш» сифати таҳлил қилинади ва сўнги навбатда «жараён» сифати таъминланади.

### Назорат учун саволлар

1. «Менежмент» тушунчаси қандай қирраларни ўзида акс эттиради?
2. «Йўл хўжалигименежменти» менежментнинг бошқа курслари ичида қандай аҳамиятга эга?
3. «Йўл хўжалигименежментида» маркетинг ёндашуви ишлаб чиқариш ёндашувидан қандай фарқланади?
4. Функционал ёндашув предмет ёндашувдан қандай фарқ қилади?
5. Қандай сифат кўрсаткичлари тизими орқали товарнинг фойдалилик самараси аниқланади?
6. Қайси таркибий қисмлар ресурслар таъминотини таъминловчи тизимлар таркибига киради?

## 2 -мавзу. Автомобиль йўллар корхоналарида бошқарувнинг замонавий назарияси ва тажрибаси

**Режа:**

**1.1.Автомобиль йўллар корхоналарида бошқаришнинг замонавий назарияси ва тажрибаси.**
**1.2.Автомобиль йўлларини бошқариш тизимининг асосий вазифалари вазифа.**
**2.3.Автомобиль йўлларини бошқариш юқори органлари.**

## 2.1.Автомобиль йўллар корхоналарида бошқаришнинг замонавий назарияси ва тажрибаси.

Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тезлаштирувчи омилларидан бири бу халқ хўжалигини бошқарувини тизимларини самарали ишлашига боғлиқ.

Иқтисодиётни бошқаришнинг асосий вазифаси қўйилган мақсадларни амалга оширишда оқилона бошқарув тизимини яратишдир.

Бошқарув тўғрисидаги умумий тушунча кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади: бошқарув аппарати ва унинг ходимларининг таркиби, режалаштириш тизими, ишларга тезкор рахбарлик олиб бориш, алоқани ташкиллаштириш, назорат ва хисоб-китоб ва х.к.

Бошқарувни хилма-хил масалалари ичида йўл-қурилиў ташкилотлари ходимлари учун қурилишни ташкил этиш ва ишларни амалга ошириш лойихаларида қабул қилинган ечимларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган қурилишга тезкор рахбарлик қилиш даражаси энг мухим ахамиятга эга.Унинг мохияти лойихалаштирилган ташкилий ечимларни рўёбга чиқариш йўлида пайдо бўлган тўсиқларни бартараф этш, бу ечимларга ишлаб чиқаришда рўй берган ўзгаришларга қараб тузатишлар киритиш (корректировка) режа ва бутун қурилиш жараёнини бетўхтов такомиллаштириб боришдан иборат.

Рахбарият режа топшириғини кўриб чиқиб (ахборотлар алмашувининг кейинги циклларида бажарувчиларнинг хисоботларини кўриб чиқиб), қарорлар ишлаб чиқади ва уларни бажарувчиларга амалга ошириш учун ишлар дастури, тезкор (оператив) режа ва жорий фаррмойишлар кўринишида етказади. Бу қарорларнинг бажарилиши, ишларнинг бажарилиш графигидан четга чиқиш сабаблари бўладиган турли омилларнинг бетўхтов таъсири остида амалга ошадаи. Рахбарият бу ошишишлар тўғрисида ахборот олгач, ахволни тўғрилаш учун янги қарорлар ( ечимлар) ишлаб чиқади.

Йўл қурилишида тезкор бошқарув энг кўп тарқалган бўлиб. У асосан даврий (хафталик, декадалик, ойлик) тезкор хисоботларни тахлил қилиш ва қисқа муддатли тезкор режалар ва уларни тўлдирувчиалохида тадбирлар ишлаб чиқишга асосланади.

Ишларнинг бажарилиш жойларида тезкор бошқарув қурилиш бошқармасининг иш бажарувчилари (прораблари), бош мухандислари ва участка бошлиқлари томонидан амалга оширилади.Улар ишларнинг ахволига мастерлар ва бригадирларнинг хисоботига ва шахсан кўриб чиқиш натижалари бўйича иш натижаларига бахо беради.Ишларнинг бундан кейин қандай олиб бориш тўғрисида асосан шахсий тажрибалари, малакаларига таянган холда хамда қўл остидаги ишловчиларнинг таклифлари, фикрлари асосида қарор қабул қилади.

Йўл қурилиш трестлари ва бирлашмаклари даражасидаги йирик объектларда, маълум участкаларда ишларнинг бориши тўғрисида назорат қилувчи мухандис-рахбарлар (куратор) бўлади.

Даврий хисоботномалар ва шахсан кўриб чиқиш натижаларига кўра улар жойлада тегишли кўрсатмалардан иборат бўлган фармойиш маълумотини тайёрлайди.РАхбарлар кўпинча ишларнинг бориши билан шахсан танишиш учун обқектларга боришади ва бевосита ишларнинг бориши тўғрисида жойида танишиб чиқиб тегишли алохида ташкилий ечимларни қабул қиладилар ва амалга оширадилар.Аниқланган камчиликларни бартараф этишга зудлик билан кирилиши бу ишларнинг энг ижобий томонидир.Аммо бир участкада қабул қилинган қарор бошқа бир участкада хар доим ҳам ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларининг манфаатларига тўғри келмайди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, йўл қурилишини бошқарув масалалари комплекси ичида энг бош масала хисобланади. Бошқарувнинг анъанавий услублари ва турлари ҳозирги давр талабларига мос келмайди ва қониқарли натижаларга эришишни таъминлай олмайди.

Рахбарият билан бажарувчилар ўртасидааги алоқанининг тез амалга ошмаслигини бошқарувнинг жиддий камчилиги деб қараш керак.Кечикувчи ва кўпинча тўлиқ бўлмаган ахборот объектдаги иўларнинг хақиқий ахволини акс эттирмайди, шунга кўра қурилиш жараёнини тўғри изга солишга қаратилган қарорлар хам кечикувчан бўлиб, оптимал бўла олмайди.

Бошқарув аппаратида ишловчилар сонини кўпайтириш ижобий натижа бермайди, хатто баъзи пайтларда бошқарувни олиб бориш сифатини пасайтириб юборади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув тизими ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бошқарув тизими икки хил йўналишда ўрганилади: техник ва иқтисодий.

Техник томони бу – бошқарув объекти ва субъекти билан мулкий муносабати. Бу тизимнинг элементларини йўл қурилишидаги ўзаро боғлиқлигини уч этапда ўрганишади: тармоқни бошқаришнинг илмий асослари, йўл қурилиш ташкилотларини бошқариш, йўл қурилиши ишлаб чиқаришини бошқариш йўл қурилишида бошқарув умумий, махсус ва ёрдамчи бошқарув вазифаларига бўлинади.

<u>Умумий вазифа</u> – режалаштириш, деспетчерлик, ҳисоб ва назорат кўрсатилган вазифалар ёрдамида қурилишнинг асосий мақсади муаммолари ечилиб, қурилиш мажмуасининг бирлиги ягоналигини таъминлайди.

<u>Махсус вазифалар</u> – қурилишнинг ташкилий-технологик тайёргарлиги, қурилиш сифати назорати тизими, таъмирлаш хизматини ташкил этиш ва ҳ.к.

<u>Ёрдамчи вазифалар</u> – иш юритиш хўжалик ишларини юритиш, хизмат кўрсатиш, қўриқлаш, архив ишлари ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси умумфойдаланув автомобил йўллари мамлакат транспорт тизимининг таркибий қисми хисобланади ва белгиланган миқдорда юк ёки

пассажир ортган, хамда белгиланган тезликларда харкатланадиган автомобилларнинг йил бўйи узлуксиз равишда қулайлик билан ва харакат хавфсизлиги таъминланган холда харакат қилишлари учун мўлжалланган иншоатлар мажмуидир.

“Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси Республикамиздаги умумфойдаланувдаги автомобил йўлларидан фойдаланишни бошқаради ва унинг бошқарув тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.11.2006 йилги № ПФ-511 қарорида тасдиқланган ташкилий тизим асосида яратилган.

Йўллардан фойдаланиш фаолиятининг асосий мақсади йўлларнинг техник даражасини ва фойдаланишгаяроқлилик холатини уларда харакат қилиш ва юк ташиш жадаллигининг ўсишига мос равишда мехнат ва, моддий – техника қувват манбааларини кам сарфлаган холда сақлаб туриш ва янада яхшилашдан, хамда шу орқали автомобиллардан фойдаланишнинг унумдорлигини ва самарадорлигини ошириш, юк ташишнинг таннархини автомобил жадал ривожланиш йўлига ўтказиш учун зарур бўлган даражада камайтиришдан иборат.

## 2.2.Автомобил йўлларини бошқариш тизимининг асосий вазифалари.

Автомобил йўлларини бошқариш тизимидаги энг асосий вазифа бу йўлларнинг транспорт фойдаланиш холатига қўйилган талабларни белгиланган меъёрий хужжатлар ва қоидаларга мос равишда ижроси.

Автомобил йўлларининг транспорт фойдаланиш холатининг асосий кўрсаткичларига: харакат тезлигининг таъминланганлиги, ўтказувчанлик қобилияти, унинг харакатланиши ва юкланганлик даражаси, харакатнинг узлуксизлиги, харакат хавфсизлиги ва қулайлиги, автомобил ва автопоездларнинг ўқларига тушувчи юкланиш ва юк кўтарувчанлигига (ёки умумий огирлиги) мос келувчи йўл даражаларидаги ўтказиш қобилиятлари киради.

Йўлнинг асосий транспорт фойдаланиш холатини белгилайдиган асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- қатнов қисмининг ва четки мустахкамланган тасманинг кенглиги, йўл ёқасининг умумий ва мустахкамланган кенглиги, бўйлама қиялик, кесим ва режадаги эгри радиуслари, вираж қиялиги ва кўриш масофаси;
- қатнов қисми ва йўл ёқаларидаги тўшамаларнинг мустахкамлиги ва холати;
- қатнов қисми ва йўл ёқаларидаги қопламаларнинг равонлиги ва тишлашувчанлиги;
- йўл пойининг холати;
- сув қочириш қурилмаларининг холати ва ишлаш қобилияти;
- кўприклар, йўл ўтказгич ва бошқа сунъий иншоотларнинг холати, юк кўтариш қобилияти ва ташқи ўлчамлари;
- йўлнинг мухандислик жихозлари ва жихозланиш элементларининг холати.

## 2.3.Автомобил йўлларини бошқариш юқори органлари.

Ўзбекистон Республикасида автомобил йўлларини бошқаришнинг юқори органи “Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 август 2003 йилдаги № ПФ-3292 фармонига асосан “Ўзавтойўл” ДАК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб қўйилган.

Мақсад: йўл қурилишини бошқариш тизимини такомиллаштириш, умумий фойдаланадиган замонавий автомобил йўллари тармоғини янада ривожлантириш, ортиқча бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланадиган автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш учун йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

“Ўзавтойўл” ДАК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва транспорт коммуникациялари комплексига киради.

“Ўзавтойўл” ДАКнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юридик шахс мақомига эга бўлган ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотлари(ХЙФДТ) ва туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси(ТЙХПТФДК), ташкил этилган.

“Ўзавтойўл” ДАК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Республикада автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда ягона техникавий, инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш;
- Умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари, кўприклар, тоннеллар энг аввало халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган кўприклар ҳамда тоннелларга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни тегишли техник ҳолатда сақлаш ҳамда ўтказиш қобилиятини, шунингдек компания таркибига кирувчи пудрат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;
- Автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;
- Умумий фойдаланадиган автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалаларининг комплекс ҳал этилишини таъминлаш;
- Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларида қурилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш чоғида белгиланган қоида сифат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини қуриш ва реконстуркция қилиш ишларини амалга ошириш ҳудудий шуъба йўл қурилиш ташкилотлари зиммасига, автомобил йўллари ва йўл инфратузилмасига комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг

техник ҳолати устидан доимий назоратни амалга ошириш эса – туман йўл хўжалиги пудрат фойдаланиш корхоналари зиммасига юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.11.2006 йилги № ПП-511 қарорига асосан “Ўзавтойўл” ДАК таркибида халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлаш мақсадида ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхоналари тузилган.

“Ўзавтойўл” ДАКнинг ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотлари таркибида эса ихтисослаштирилган кўприк хўжалигини таъмирлаш фойдаланиш давлат корхоналари ташкил этиш кўрсатилган.

“Узавтойўл”

давлат акционерлик компаниясининг ташкилий тузилмаси

**“Узавтойўл” ДАК**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Худудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотлари:**<br><br>“Қорақалпоқавто йўл”<br><br>“Андижонавтойўл”<br><br>“Бухороавтойўл”<br><br>“Жиззахавтойўл”<br><br>“Қашқадарёавто йўл”<br><br>“Навоийавтойўл”<br><br>“Наманганавтойўл” | **Халқаро ва давлат ахамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхоналари:**<br><br>1.”Автомагистрал” (Тошкент ш.)<br><br>2.Шимолий-гарбий (Нукус ш.)<br><br>3.Бухоро-Навоий (Бухоро ш.)<br><br>4.Жанубий (Карши ш.)<br><br>5.Самарканд | **Йўл-таъмир ва қурилиш ташкилотлари**:<br>1.“Назарбекавтойўл” корхонаси<br>2. Йўл лойиха маркази<br>3.Йўл лойиха экспертиза<br>4.”Самарқанд ободончилиги” АЖ<br>5.”Олмалмқ ободончилиги” ЁАЖ<br>6.”Зомин кўкаламзорлаштириш” МЧЖ<br>7.”Қашқадарё йўл таъминот”<br>8.”Сурхондарёйўлтаъминот”<br>9.”Узтюмендорстрой” тrести<br>10.”Ангрен ободончилиги” МЧЖ<br><br>**Махсус бургулаш портлатиш ишлари бошқармаси**<br>1. Тошкент<br>2. Ангрен<br>3.Каратау (Қорақалпогистон)<br><br>**Саноат корхоналари**<br>1.Қуйлиқ кўприк темир бетон конструкциялари тажриба заводи<br>2.”Чинозйўлиндустрия” | “Узйўл таъминот” Бошқармаси<br><br>Автомобил йўллари илмий текшириш институти<br><br>Бухоро , Наманган Ўқув |

| | | | |
|---|---|---|---|
| “Самарқандавтойўл”<br>“Сурхондарёавтойўл”<br>“Сирдарёавтойўл”<br>“Тошкентавтойўл”<br>“Фаргонаавтойўл”<br>“Хоразмавтойўл” | (Самарқанд ш.)<br>6.Марказий (Сирдарё)<br>7. Шарқий (Қўқон ш.) | корхонаси<br>3.”Янгиерйўлиндустрия” корхонаси<br>4.”Бекободйўлиндустрия” корхонаси<br>5.”Бухоройўлгранит” корхонаси<br>6.”Узйўлмашсервис” корхонаси<br>7.Олмазор тажриба механика таъмир ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси | марказлари |

Туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси

Кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси

Ушбу қарорга асосан “Ўзавтойўл” ДАКнинг 29-штат бирлигига эга ижро аппаратининг таркибий тузилмаси белгилаб қўйилган.

**“Ўзавтойўл” ДАК ижро аппарати таркибий тузилмаси**



Автомобил йўллари тармогини ривожлантириш бошқармаси
4-бир

Кадрлар ва махсус ишлар бўлими

1-бир.

Автомобил йўлларини эксплуатация қилишни транспорт, механизация ва техник таъминлаш бошқармаси
3-бир.

Умумий бўлим

1-бир.

Компаниянинг юқори органи бу компания кенгаши ҳисобланади.

Компанияни “Компания бошқаруви раиси” бошқаради.

Раиснинг икки ўринбосари бўлиб, бири ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаради, шунингдек бош инженер вазифасини бажаради.

- Автомобил йўлларининг техник ҳолати сифатини баҳолаш бошқармаси

- Автомобил йўллари тармогини ривожлантириш бошқармаси

- Автомобил йўлларини эксплуатация қилишни транспорт, механизация ва техник таъминлаш бошқармалари унга ёрдамлашади.

Иккинчи ўринбосар компаниянинг молия-иқтисодий масалалари бўйича шуғулланади.

Унга молия-иқтисод бош бошқармаси бухгалтерия иш фаолиятида ёрдамлашади.

Шунингдек, компания таркибида:

- юрист-маслаҳатчи,

- кадрлар ва махсус ишлар бўлими

умумий бўлим  фаолият юритади.

Худудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотлари (ХЙФДТ) таркибий тузилмаси

Директор

Бош  мухандис-автомобил

Директор ўринбосари-

| | | |
|---|---|---|
| йўллари холати тахлили бўлими бошлиги 3-бир | умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини такомиллаштириш дастурини шакллантириш ва мониторинги бўлими бошлиги 3-бир. | Бухгалтерия 2-бир. |
| Умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини фойдаланиш (эксплуатция)га қабул қилиш хизмати 4-бир. | Кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси | Юрист маслахатчи 1-бир. |
| Туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси | Кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси | Кадрлар бўйича инспектор 1-бир. |

Бошқарув ходимларининг сони-15 штат бирлиги.

Туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси бошқарув ходимларининг сони 10-штат бирлиги.

Кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси бошкарув ходимларининг сони 13-штат бирлигига эга.

Халқаро ва давлат ахамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш давлат корхоналарининг бошқарув ходимларининг сони 25-штат бирлиги қилиб белгиланган.

**Назорат учун саволлар:**

1.Автомобиль йўллар корхоналарида бошқаришнинг замонавий усуллари.

2.Автомобиль йўлларини бошқариш тизимининг асосий вазифалари

3.Автомобиль йўлларини бошқариш юқори органлари.

4. ДАК “Ўзавтойўл”нинг ташкилий тузулмаси.

5. Туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш давлат корхонаси бошқарув тизими ҳақида.

6.“Ўзавтойўл” ДАК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари нималардан иборат.

## 3-мавзу. Автомобиль йўллар корхоналари менежментида бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари технологияси (4 соат)

5.1**. Бошқарув қарорларининг таснифи**

**5.2 Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ва технологияси**

**5.3. Бошқарув қарорларининг сифат ва самарадорлик даражасини белгиловчи параметрлар ва шароитлар**

**5.4. Қарорлар назарияси. Муқобил вариантларни танлаш ва баҳолаш**

**5.5. Ишлаб чиқариш ва маркетинг қарорлари: зиддият ва компромисс**

### 5.1. Бошқарув қарорларининг таснифи

Бошқарув қарори бу - менежмент тизимида аниқ мақсадга эришиш учун вариантлар ичидан таҳлил, прогноз, ойдинлаштириш, иқтисодий кўрсаткичлар натижаси асосида муқобилликларни танлашдир.

Долзарбликни бартараф этиш, камайтириш ёки муаммоларни ечиш бошқарув қарорларининг импулси бўлиб ҳисобланади.

Комплекс муаммолар ўзининг параметрлари бўйича объектнинг ҳақиқий ва кутилаётган ҳолатлари ўртасидаги миқдорий фарқ орқали шакллантирилади.

Ресурслар чегараланганлигини назарда тутиб муаммоларни ҳал қилишда, уларнинг долзарблиги, масштаби, риск даражаси бўйича фарқлаб олиниши керак.

- Қарорлар сифатини ошириш учун уларни қуйидаги белгилари бўйича тасниф қилиш ва бу асосда таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади;
- товарнинг ҳаётийлик цикли босқичлари бўйича (маркетинг, ИТТКИ, ИТТТ ва бошқалар);
- менежмент тизимининг тизим ости тизимлари бўйича (мақсадли, функционал ва ҳ.к);
- фаолият муҳити бўйича (техник, иқтисодий ва ҳ.к);
- мақсади бўйича (тижорат ва нотижорат қарорлари);
- бошқарув даражаси бўйича (юқори, ўрта, қуйи);
- масштаби бўйича (комплекс ва хусусий қарор);
- ишлов беришни ташкил этиш бўйича (жамоа ва шахсий қарор);
- фаолиятининг давомийлиги бўйича (стратегик, тактик, оператив);
- таъсир этиш доираси бўйича (ташқи ва ички);
- шакллантириш услуби бўйича (матнли, график, математик);
- акс эттириш шакли бўйича (режа, дастур, буйруқ, фармойиш);
- мураккаблиги бўйича (стандарт ва ностандарт);
- узатиш услуби бўйича (вербал, езма, электрон).

Бошқарув қарорлари сифатига таъсир этувчи асосий омиллар бўлиб: менежмент тизимга илмий ёндашувлар ва уларнинг принципларини қўллаш, моделлаштириш услублари, бошқарувнинг автоматлаштирилганлиги, қарорларнинг рағбатлантирилиши ҳисобланади.

Одатда ҳар қандай қарорни қабул қилишда интуиция, мулоҳазалилик ва қилоналилик каби турли даражадаги уч хил ҳолатлар иштирок этади. Қуйида улар билан танишиб чиқамиз.

Соф интуитив қарорларни қабул қилишда одамлар шахсий туйғуларига асосланади.

Бу ерда «олтинчи сезги» иштирок этгани ҳолда ўрта бўғин менежерларидан олинадиган ахборот ва И.Х.М.ларга таянилади. Менежерларнинг қарор қабул қилиш тажрибаси ортгани сайин, уларнинг интуицияси ҳам ўткирлашиб бораверади.

Мулоҳазага асосланган қарор кўп ҳолларда интуициядан келиб чиқади, бироқ шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг замирида аввалги тажрибалар асосидаги билим ва онг ётади. Бу билим ва онгдан фойдаланиш ва таяниш катта муваффақиятларга сабаб бўлади. Шуни ёддан чиқармаслик керакки, жамиятда соғлом фикрли одамлар камдан-кам учрайди, шунинг учун қарор қабул қилишнинг бу услуби ҳам унчалик ишончли эмас, фақатгина, унинг тезкорлиги ва арзонлиги ўзига жалб қилади. Бу усулнинг яна бир кучсиз томони шундаки, кврор қабул қилинаётган вақтда содир бўлган ҳодисалар бўйича мулоҳазалар юритиш ва тажрибага асосланилмайди.

Импулсив қарорлар, бунинг моҳияти шундаки, муаллифлар чексиз миқдордаги турли-туман ғояларни осонлик билан ҳосил қилади, аммо уларни ткшириш, ойдинлаштирш, баҳолаш имкониятларига эга бўлмайди. Қарор «қўқисдан», «сусайиш» асосида қабул қилинганлиги учун қарор етарлича асосланмаган ва ишончсиз бўлади.

Инерт қарорлар эҳтиёткорлик натижасида юзага келадиган қарорлардир. Бу каби қарорлар учун пайдо бўладиган ғоялардан кўра назорат ва аниқлик устун туради, шунинг учун бу қарорларда оригиналлик, новаторлик, яққолилик намоён бўлмайди.

Рискли қарорлар импулс қарорлардан ўзининг яратувчилари ўзига ишонган ҳолда ҳар қандай хавфлардан қўрқмасдан ўз фаразларини синчковлик билан асослаб беришини талаб этмаслиги билан фарқланиб туради.

Эҳтиёткор қарорлар менежерлар томонидан қарорларни синчковлик билан баҳолаб, ўз ишига юқори масъулият билан ёндошган ҳолда қабул қилиниши билан тавсифланади. Бу қарорлар инерт қарорлардан кўра, бир оз янгиликка интилувчанлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради.

Юқорида қайд қилинган қарор турлари, асосан, ходимларнц оператив бошқариш жараёнида қабул қилинади. Менежмент тизимининг ҳар қандай тизим ости тизимини стратегик ва тактик бошқариш учун иқтисодий таҳлил усуллари билан асосланган оқилона қарорлар қабул қилинади.

## 5.2 Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ва технологияси

Қарор қабул қилиш – бу ишлаб чиқаришни бошқаришни марказий бўғинидир. Қарор қабул қилиш жараёни қуйидаги кетма-кетликдаги масалаларни ўз ичига олади:

1) Муқобил қарорларни шакллантириш;

2) Муқобилларни таққослаш;

3) Энг оптимал муқобилни танлаш;

4) Танланган муқобил қарорларни реализацияси;

5) Натижаларни назорат қилиш;

Қарор қабул қилишнинг омадли ёки омадсиз чиқиши кўпинча бу жараён босқичларнинг қанчалик яхши ташкил қилинганига ва объектив шартлар, ҳамда чегаралар эътиборга олинганига боғлиқ бўлади.

Қарорларнинг муқобиллари : шакллантириш, таққсолаш ва танлов.

Муаммонинг муваффақиятли ҳал қилиниши маълум даражада имкони бўлган муқобил вариантларини қанчалик аниқ ифодаланганлиги билан боғлиқдир.

Муқобилларни қидиришда доимо бир ёки бир неча яхши салоҳиятли муқобилларни бой бериш ҳавфи мавжуд бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, уларнинг миқдорини чегараси бор. Кўп нарса қарор қабул қилувчи шаклларнинг (ҚҚҚШ) тажрибаси ва ижодий қобилиятига ҳамда, вазиятнинг ҳолатига боғлиқ. Лекин мумкин бўлган муқобил вариантларни пухта намоён қилишга қилинган ҳаракатлар зое кетмайди.

Муқобил вариантларни таҳлил қилиш ва таққослаш учун кўпинча математик ёки статистик усуллар қўлланилади. Энг яхши муқобилни танлови эътиборга олинган мақсад ва мезонларга боғлиқ бўлади.

***Қарорларни реализацияси ва натижаларни назорати*** **.** Қарорларнинг реализацияси танланган муқобил, белгилаб қўйилган ишларни бажарилиши-ни билдиради. Масалан, асбоб-ускуналарни сотиб олиш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаш, иш вақтидан ташқари вақтдан фойдаланиш, ички ва ташқи муҳитда ўзгаришларни кутиш.

Қарорнинг самарадорлиги унинг амалга оширилиш натижаларини назоратига боғлиқ бўлади. Агар исталган натижалар бўлмаса, у ҳолда жараён текширилиши унинг, ижросида ҳисоб-китобларда ёки нотўғри бошланғич асосли фаразларда ҳатоларни аниқлашга тўғри келади.

Ушбу ҳолатда вазиятни тезда тўғирлаш мумкин. Қарорларнинг реализацияси жараёни ҳар доим ҳам кетма-кет амалга оширилмайди. Одатда орқага қайтишга ва ҳаммасини бошдан бошлашга, айниқса, муқобил вариантларни ишлаб чиқишни таҳлил қилишга тўғри келади. Масалан, агар биронта ҳам муқобил вариантлар исталган натижа беролмаса, қўшимча муқобил вариантлар ишлаб чиқилиши зарур бўлади.

**Қарор қабул қилишининг шарт ва чекловлари.**Менежернинг барча саъй-ҳаракатларига қарамасдан қарор кутилмаган ҳолатлар туфайли муваффақиятсиз чиқиши мумкин. Баъзан ушбу вазият менежернинг иш услуби туфайли содир бўлади, масалан, унинг қарорларни тез қабул қилиши ёки оқибатларни кўра олмаслиги кабиларни келтириш мумкин.

Менежерлар ҳисобга олиши керак бўлган бошқа омил-объектив чекловларга моддий воситалар, инсоний имкониятлар, иш кучи, муддатлар, технологиялар, ахборотлар ва бошқалар киради.

Юқоридаги чекловлар туфайли менежерлар кўпинча максимал фойда олиш нуқтаи назаридан оптимал қарорни топа олмайди. Бунинг ўрнига улар ўртача қониқарли қарор билан кифояланишига тўғри келади.

Муваффақиятсиз қарорларнинг бошқа сабаби шундаки, корхоналар одатда муаяйн мезонлар бўйича оптималлаштириш ўтказиладиган доирадаги бўлимлар ҳажмидаги муаммоларни кўриб чиқади (субпозиция). Бу турли бўлимларнинг ўзларига қулай бўлиши учун қарор тайёрлашга қилинган уринишларидир. Лекин бир бўлимга қулай бўлган қарор, бошқа бўлимлар учун ноқулай бўлиши мумкин.

Шу каби хатолар кўпинча логистик тизимни жорий қилишда етарлича пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинадиган қарорлар шартлари аниқлик ва муайянлик даражаларига кўра таснифланади. Бунда 3 та асосий категориялар мавжуд бўлиб, улар: аниқлик , таваккалчилик ва наониқлик.
Аниқлик ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) нинг муҳим параметр-ларини билдиради, масалан ҳаражатлар, ишлаб чиқариш қуввати ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи бизга маълум кўрсаткичларидир. Таваккалчилик - баъзи параметрлар эҳтимоллигини билдиради.

.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш «технологияси»га қуйидаги элементлар киради:

- Нима қилиш керак (объектнинг миқдори ва сифати)?
- Қандай ҳаражатлар қилиш керак (ресурслар)?
- Қандай бажариш керак (қайси технология бўйича)?
- Ким бажариши керак (ижрочилар)?
- Қачон бажариш керак (муддати)?
- Ким учун бажариш керак (истеъмолчилар)?
- Қаерда бажариш керак (жойи)?
- Бу нима натижа беради (иқтисодий, ижтимоий, экологик, техник самараси)?

Агар сиз барча саволларга жавоб берган бўлсангиз ва уларни вақт, ресурслар ва ижрочилар бўйича бир-бирига боғлаган бўлсангиз, демак қарор қабул қилиш технологиясини ишлаб чиққан бўласиз. Бунда албатта юқорида кўриб чиқилган талаб ва услубларни қўллашингиз керак бўлади. Қарор қабул қилиш босқичлари ва операцияси:

1) бошқарув муаммолари ёки вазифасини аниқлаш;
2) мақсадни белгилаш;
3) зарурий ахборотларни йиғиш;
4) ахборотларни таҳлил қилиш;
5) муаммоларнинг бошланғич тавсифларини аниқлаш;
6) бошқарув мезони ва мақсадини ойдинлаштириш, уларнинг якуний шаклини шакллантириш;
7) муаммоли вазиятларнинг шакллантирилган моделларини асослаш ва қуриш;
8) муаммоларни ҳал этишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш;
9) қарор услубини танлаш;
10) танланган қарорни иқтисодий асослаш;
11) ижрочилар ва бошқарув органлари билаи қарор тўғрисида келишиш;
12) қарорни якуний шакллантириш ва тасдиқлаш;
13) қарорнинг ижросини ташкил қилиш;
14) қарорнинг ижросини назорат қилиш;
15) иш сифатини ошириш, ресурсларни тежаш ва ўз муддатида бажарилишини рағбатлантириш;
16) қарорни қабул қилувчи шахслар билан қайта алоқани ўрнатиш ва зарурият туғилганда мақсад ва вазифаларга тузатиш киритиш.

Ҳар бир босқич бир нечта операциялардан ташкил топади. Масалан, биринчи «бошқарув муаммоларини юзага чиқариш» босқичи қуйидаги операцияларни бажаришни талаб қилади:

1.1. Объект ёки ҳолатни сифат ва ресурс кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилиш.
1.2. Объект самарадорлигини ушбу соҳа бўйича дунёда эришилган муваффақиятлар билан солиштириш.
1.3. Таҳлил қилинаётган объектлар кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутларни аниқлаш.
1.4. Адабиётлар ва патент фондларини, ЙТИ ҳақидаги ҳисоботларни, реклама ва истеъмолчилар эътирозларини таҳлил қилиш.
1.5. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий техник даражасини таҳлил қилиш.
1.6. Объектни ривожлантириш йўналишларини шакллантириш ва ҳ.к.

Бошқарув қарорларини ишлаб чққиш жараёни бошқарув жараёнининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш жараёнлари бошқарув жараёнларини ташкил этади. Бу ерда меҳнат предмети сифатида бошқарув қарорлари,

ахборот, меъёрий-техник ёки бошқарув ҳужжатлари намоён бўлади. Агар бажариладиган операциялар бошқарув меҳнатининг ҳар қандай предметлари параметрларини ўзгартиришга қаратилган бўлса, у ҳолда бу жараён асосий жараён ҳисобланади. Хизмат кўрсатувчи бошқарув жараёнларига жамғариш, назорат ва узатиш каби меҳнат предмети жараёнлари киради. Ёрдамчи жараёнларга - асосий ва хизмат кўрсатувчи жараёнлар; тайёрлаш, ўзлаштириш ёки техник қурилмаларни таъмирлаш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи барча жараёнлар киради.

Ҳар қандай жараёнларни лойиҳалаштириш - ишлаб чиқаришнинг технологик ва функционал вазифаларини чуқурлаштириш бўйича ишланмалар ва олиб борилган таҳлиллар асосида амалга оширилади.

Пропорционаллик, узлуксизлик, параллеллик, ритмлилик, шунингдек, меҳнат предметлари(деталлар, ахборотлар, ҳужжатлар ва ҳ.к.) ҳар қандай жараёнларни самарали ташкил этишнинг асосий принциплари бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдаланиладиган ахборот сифатига қуйидаги талаблар қўйилади:

- ўз вақтидалилик;
- ишончлилик;
- етарлилик;
- ахборот тизимининг мужассамлиги;
- ҳуқуқий асосланганлик,
- фойдалана олишнинг кенг қирралилиги;
- йиғиш, қайта ишлаш ва узатишни тезкорлик билан амалга ошириш;
- кодлаш имконияти;
- ахборотнинг долзарблилиги.

Менежмент тизимининг самарали фаолият олиб боришини таъминловчи омиллардан бири бошқарув қарорларини тўғри расмийлаштириш ҳисобланади.

Ҳужжат шаклида бошқарув қарорлари ёзма, электрон воситаларда расмийлаштирилади, ёхуд вербал йўллар билан узатилади.

Ҳужжатларни таснифлаш қуйидаги асосий белгилар бўйича амалга оширилади:

а) меъёрий-услубий таъминот бўйича-халқаро, давлатлараро, ҳудудий, иерархия даражасида;

б) ҳужжатнинг ҳуқуқий статуси бўйича-бажарилиши шарт (қонунлар, стандартлар, буйруқлар, фармойишлар, дастур, режа) ва тавсия этиладиган (инструкция,методика,тавсиянома);

в) таркиби бўйича-техник (инвестицион лойиҳалар), конструкторлик-технологик ҳужжатлар,иқтисодий(техник-иқтисодий, молиявий, бухгалтерия, солиқ ҳужжатлари, бизнес-режа), ташкилий (ташкилий лойиҳалар, низом, ташкилий тизим, баённома, йўриқнома ва ҳ.к.).

Корхона ҳужжатларида ҳужжатнинг мақсади, ишлаб чиқиш учун асос, мақсадни(вазифани) ҳал этишда амал қилиш керак бўладиган илмий ёндашув ва тамоиларига таяниш, улардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидалари, ахборот истеъмолчиси, иш сифатига талаб, ресурсларни иқтисод қилиш, ахборот манбалари, муддати, санкцияси каби мажбурий белгилари бўлиши керак.

Барча ҳужжатларда «асосий қоидалар» ва «ахборот таъминотлари» бўлими бўлиши керак.

«Асосий қоидалар» бўлимининг тахминий таркиби қуйидагича бўлиши керак:

- қарор ишлаб чиқиш учун асос;
- долзарблилик;
- ҳужжатлар мақсади;
- асосий терминлар;
- ҳужжатларни қўллаш ҳудуди(ким учун мўлжалланган);
- ҳужжатларни қўлланиш ҳолатини назорат қилиш органи;
- ҳужжат талабига амал қилиниши бўйича жавобгарлик.

«Ахборот таъминоти» бўлимининг тахминий таркиби:

- ҳужжат ишлаб чиқишда фойдаланиладиган ахборотлар таснифи;
- ахборотларга талаб;
- ахборт олиш манбалари;
- ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш, тўплаш ва фойдаланишда фойдаланиладиган техник ва технологик қурилмалар.

Ҳужжатларни баҳолаш қуйидаги сифат мезонлари асосида амалга оширилади:

1) ҳужжатнинг комплекслилиги бунда техник, экологик, эргономик, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа муаммолар кўриб чиқилади;
2) ҳужжат экологик, хавфсизлик, ўринбосарлик, ҳуқуқий химояланганлиги бўйича халқаро талабларга жавоб бериши керак;
3) ҳужжат ишлаб чиқилаётганда қўлланилган илмиқ ёндашувлар (тизимли, маркетинг.функционал ва ҳ.к.) асосида;
4) ҳужжатлар ишлаб чиқилаётганда қўлланиладиган замонавий услублар (функционал қийматлар таҳлили, моделлаштириш, прогнозлаш ва ҳ.к.);
5) бошқарув қарорларининг иқтисодий асосланганлиги;
6) ҳужжатнинг такрорланиб туриши, унинг истиқболли қўлланилиши масштаби;
7) ҳужжатни тасдиқловчи ва маъқулловчи органлар;
8) ҳужжатларни расмийлаштиришда амалга қилинадиган тушунчаларнинг бир маънолилиги, аниқлилиги, етарлича баён этилиши, стандартлар даражасида амал қилиши.

Юқоридаги сифат мезонларига жавоб берувчи ҳужжатлар ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўла олади.

## 5.3. Бошқарув қарорларининг сифат ва самарадорлик даражасини белгиловчи параметрлар ва шароитлар

Бошқарув қарорларининг сифат даражаси- бу уларни амалга оширилишини таъминловчи ва истеъмолчилар талабини қаноатлантирувчи қарор параметрлари йиғиндисидир.

Тизимнинг «кириш» тизими муаммолар ҳарактерини ифодалайди.

Тизимнинг «чиқиш» тизими эса- қарорни миқдорий, сифатий белгиларини ва кўзланган натижаларга эришиш учун қилинадиган риск даражасини акс эттиради.

Тизимнинг «ташқи муҳит компонентига» бошқарув қарори сифатига таъсир қилувчи корхонанинг микро ва макро муҳити ҳамда ҳудуд инфратузилмаси омиллари киради. Бу омилларга халқаро интеграция, мамлакатдаги сиёсий вазиятлар, иқтисодий, техник,ижтимоий-демографик, табиий-иқлимий, маданий ва бошқа омиллар кирса,ҳудуд инфратузилмаси омилларига, бозор инфратузилмаси,атроф муҳитни мониторинг қилиш, ижтимоий инфратизим, саноат, транспорт, алоқа ва ҳ.к., фирманинг бошқа фирмалар билан алоқасини тавсифловчи омиллар киради.

Қарорлар қабул қилиш жараёни : ишга тайёрланиш; муаммони аниқлаш ва мақсадларни шакллантириш; уни қайта ишлаш; ресурслар билан таъминлашнинг самарали йўлларини аниқлаш; вазифаларни шакллантириш; керакли ҳужжатларни тайёрлаш; вазифаларни амалга ошириш каби операцияларни ўзида жо этади.

Тизимли ёндашувлар усулини бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларига қўллаш муаммолар таркибини аниқлашга, уларни ҳал қилиш тизимини ишлаб чиқишга, тизимлар компонентларининг ўзаро алоқасини ва уларни такомиллаштириш имкониятларини излаб топишга имкон беради.

Бошқарув қарордарини ишлаб чиқиш омиллари ва вақтини тежашни такомиллаштириш мақсадида «қора яшиклар» компоненти таклиф этилади.

Бунда биринчи навбатда биз эришадиган мақсадларимизни ва қарор ўз ичига оладиган параметрларни аниқ белгилаб олишимиз керак бўлади.

Бошқарув қарорларининг сифат параметрларига ушбулар киради:

- энтропия кўрсаткичи яъни муаммоларнинг миқдорий ноаниқлиги. Агар муаммога фақатгина сифат томонидан миқдорий кўрсаткичларсиз ёндошилса, у ҳолда энтропия кўрсаткичи бирга яқинлашади. Агар муаммонинг барча кўрсаткичлари миқдорий жиҳатдан ёритилса, энтропия кўрсаткичи нолга яқинлашади.
- инвестиция киритишнинг риск даражаси;
- қарорни сифат, сарф ва муддат кўрсаткичлари бўйича амалга ошириш эҳтимоллиги;
- мувофиқлик даражаси (ёки прогнознинг аниқлилик даражаси, апроксинация коэффициенти).

Бошқарув қарорларининг сифат параметрлари ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари (минимал самарадорлик меъёри белгилаб олинади) аввалдан қатъий белгилаб олинганидан кейин, қарорнинг самарадорлилиги ва сифатига таъсир этувчи ташқи муҳит омиллари таҳлил қилинади. Ундан сўнг тизимнинг «чиқиш» параметрлари таҳлил

қилинади ва уларни яхшилаш ва чиқувчи ахборотлар сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади.

«Чиқиш» талаблари ойдинлаштирилиб олинганидан кейин, қарор сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи «ташқи муҳит» омиллари ойдинлаштирилади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари параметрларини таҳлил қилиш, уни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш ва бевосита қарор қабул қилишга киришиш мумкин бўлади.

Бошқарув қарорларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг асосий шартларига қуйидагилар киради:

- бошқарув қарорларини қабул қилишга менежментнинг илмий ёндашувларини қўллаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигига иқтисодий қонунларнинг таъсирини ўрганиш;
- қарор қабул қилувчи шахсни қарор ишлаб чиқиш тизимини тавсифловчи «чиқиш», «кириш», «ташқи муҳит» ва «жараёнлар» каби параметрлари ҳақидаги сифатли ахборотлар билан таъминлаш;
- ҳар бир қарорни қабул қилишда функционал-қийматли таҳлил, прогнозлаш, моделлаштириш ва иқтисодий асослаш каби услубларни қўллаш;
- муаммоларни таркибларга ажратиш ва мақсадлар дарахтини қуриш;
- қарорлар вариантларининг кўп вариантлилигини ва солиштирувчанлигини таъминлаш;
- қабул қилинаётган қарорларни ҳуқуқий асослаш;
- ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш, қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириш;
- сифатли ва самарали қарорларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- қарорларни амалга ошириш механизмини юзага келтириш.

Бошқарув қарорларининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг юқорида баён этилган шартларини амалга ошириш ўта мураккаб ва бу жуда қиммат турадиган фаолиятдир. Ушбу шартларни тўлиқ танлаш баҳоси қиммат бўлган объектлар бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинаётган даврда амалга ошиши мумкин.

Рақобат ҳар бир инвестордан бошқарув қарорларининг сифат ва самарасини оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳозирги кунда қарорлар сифат ва самарадорлик даражасини оширишнинг юқорида қайд этилган шартларини менежмент тизимини автоматлаштириш асосида ҳам ҳал қилиш мумкин.

Бошқарув қарорларини таҳлил қилиш

1) Илмий ёндашувлар ва тамойилларни менежментнинг бошқа функциялари каби таҳлилга ҳам қўллаш мумкин. Таҳлилнинг махсус тамоилларига қуйидагилар киради:
2) Таҳлилнинг бирлик ва синтез тамоили таҳлил қилинаётган мураккаб ҳодисаларнинг хусусиятларини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур ўрганиш мақсадида ушбу ҳодиса ва предметларни таркибий қисмларга ажратишни афзал кўради;
3) илғор звенони ажратиш тамоили эса мақсадни белгилаш ва бу мақсадларга эришиш услубларини аниқлашни кўзлайди. Бунда ҳар доим асосий звено омилли

таҳлил ва муаммоларни тизимлаш усулларини қўллаш учун ажратиб олинади;

4) таҳлил вариантларини ахборот олиш ҳажми, сифати муддати, услуби ва таҳлил объектларини қўллаш шартлари бўйича таққослана олишни таъминлаш тамоили ;

5) таҳлилнинг оперативли ва ўз вақтидалик тамоили қисмли жараёнлар (пропорционаллик, параллеллик, узлуксизлик ритмлилик ва бошқалар)ни ахборотли таъминотни кодлаш ва автоматлаштириш, ахборот ва таҳлил услублари сифатини ошириш тамоилларини оқилона ташкил этиш ҳисобга бажарадиган ишларнинг вақтини қисқартиришга йўналтирилади;

6) миқдорий аниқлик тамоили, а) бошқарув қарорлари ва муқобил вариантларни таққосланувчанлигини ва энг оптималлик имкониятини таъминлаш; б) менежмент тизими компонентлари ўртасидаги алоқаларни, в) қарор қабул қилишдаги ноаниқлик ва риск даражасини миқдорий акс эттиришни кўзлайди.

Таҳлил услублари ва усуллари таснифи ва уларни қўллаш доираси-расмда келтирилган.

Таҳлил усуллари моҳиятини кўриб чиқамиз.

Таққослаш усулифирма ишини баҳолаш, режа кўрсаткичларидан четланишларни аниқлаш, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва резервларни аниқлашга имкон беради.

Таҳлилда таққослаш усулининг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

- ҳисобот кўрсаткичлари билан режали кўрсаткичлар;
- режали кўрсаткичлар билан келгуси давр кўрсаткичлари;
- ҳисобот кўрсаткичлари билан аввалги давр кўрсаткичлари;
- ҳар кунги иш кўрсаткичлари;
- тармоқ маълумотлари билан таққослаш;
- ушбу корхона техник даражаси ва маҳсулот сифати даражаси кўрсаткичларини шунга ўхшаш корхонанинг кўрсаткичлари билан таққослаш.

Таққослаш услуби таққосланадиган кўрсаткичлар (баҳолаш бирлиги, календар муддатларни таққосланувчанлиги, мавсумий хусусиятлари ва худудий фарқлар, географик шароит ва ҳ.к.)ни солиштиришни таъминлашни талаб қилади.

Индекс усулимураккаб ҳодисалар, ўлчаш имконияти бўлмайдиган алоҳида элементларни ўрганишда қўлланилади. Индекс кўрсаткичлари режа вазифаларини бажариш, ҳодиса ва жараёнлар динамикасини аниқлашни баҳолаш учун зарурдир.

Баланс усули ўзаро боғланган хўжалик фаолияти кўрсаткичларини уларнинг ўзаро таъсирини ўлчаш ва ойдинлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини ҳисоб-китоб қилиш мақсадида солиштиришни кўзлайди. Таҳлилнинг баланс усулини қўллашда алоҳида кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик турли хил солиштиришлар натижасида олинган натижалар якуний шаклида акс эттирилади.

Занжирли ўрин алмаштириш усули умумлаштирувчи кўрсаткичларининг тузатиш критилган қийматларини омилар базис қийматини кетма-кетликда алмаштириш йўли билан олишни ўз ичига олади.

Занжирли ўрин алмаштириш усулида иккита ёнма-ён турган кўрсаткичлар қийматини солиштириш, базис қиймати ҳақиқий қийматга алмаштириладиган омилларнинг умумлаштирувчи кўрсаткичга таъсирини ҳисоблашга имкон беради.

Бартараф этиш усули бошқа омиллар фаолиятини инкор қилувчи ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичларига бошқа омилнинг таъсирини ажратиб кўрсатишга имкон беради.

График усули хўжалик фаолиятлари ва кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш натижаларини расмийлаштиришни намоён этиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий кўрсаткичларининг график кўриниши белгиланган мақсад (таққослаш диаграммаси, хронологик ва назорат-режа графиги) бўйича, шунингдек қуриш имконияти(устунли, айланали, ҳажмли, координатли, чизиқли ва ҳ.к.) билан фарқ қилади.

Функционал қийматли таҳлил(ФҚТ) - объект ҳаётийлик цикли учун сарфланадиган бирлик ҳаражатларнинг фойдалилик самарасини ошириш мақсадида қўлланиладиган тадқиқотлар тизими усулидир. ФҚТни ўтказишнинг хусусияти лойиҳалаштирилаётган объектда аниқ шароитларда бажарилиши керак бўлган, функциялар тўпламини аниқлашдан иборатдир.

Таҳлилнинг Иқтисодий математик усули (ИМУ) юзага келган ёки режалаштирилган иқтисодий шароитларда хўжалик қарорининг энғ яхши оптимал вариантларини танлаш учун қўлланилади.

ИМУдан фойдаланиш орқали ҳал этиш мумкин бўлган иқтисодий таҳлил вазифаларининг намунавий рўйхати келтирилади:

- ИМУ орқали ишлаб чиқилган маҳсулот ишлаб чиқариш режасини баҳолаш;
- хўжалик дастурлари, уни цехлар, жиҳозлар ва маҳсулот миқдори бўйича тақсимлашни оптималлаштириш;
- хўжалик ресурсларини тақсимлаш, материалларни бичишни оптималлаш;
- маҳсулот таркибий қисмларини ва жиҳозларнинг технологик воситаларини унификация (бир хиллаштириш) даражасини қулайлаштириш;
- корхона, цех, участка ва ҳ.к.ларнинг оптимал ҳажмида белгилаш;
- маҳсулотнинг оптимал ассортиментини аниқлаш;
- завод ички трансопрти, омборларнинг жойлашишини ўта оқилона йўналишини белгилаш;
- оптимал қарор натижаси билан боғлиқ ички йўқотишларини аниқлаш..
  Қуйида таҳлил услубларини кўриб чиқамиз.

Маълумот ва гуруҳлаштириш услуби. Маълумот ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти умумий натижаларининг турли омилларини умумлаштирувчи кўрсаткичга олиб келишни кўзлайди.

Ўрганилаётган воқеликлар орасидан ҳарактерли гуруҳларни у ёки бу белгилари бўйича ажратиб олишни ўз ичига олади.Гуруҳлаштирилган маълумотлар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Бу каби жадвал ўрганилаетган воқелик ва жараенларни рақамли кўринишда оқилона баен қилишни акс эттиради.

Абсолют ва қиёсий ўлчамлар услуби Абсолют ўлчамлар иқтисодий воқеликнинг ҳажмин ифодалайди Қиесий улчамлар режа вазифаларини бажарилишини, меъёрларга амал қилиш, ўсиш ва кўпайиш, тизим, интенсивлик кўрсаткичларй даражасини ҳарактерлайди.

Ўртача ўлчаш услуби оммавий, бир турдаги, иқтисодий воқеликни умумлаштиришни тавсифлаш учун фойдаланилади.

Синчковлик ва умумлаштириш усули. Синчковлик умумий кўрсаткичларини қисмларга ажратиш йўли билан олиб борилади. Мураккаб кўрсаткичларни алоҳида таркибий қисм ва омилларга ажратиб олиш билан, уларнинг ҳар бирини бу кўрсаткичларга таъсири аниқланади.

Умулаштириш бутун қисмлар, фаолият якунлари ва алоҳида бўлинмалар ўртасидаги алоқаларни намоён қилади ва уларнинг умумий натижаларга таъсири даражасини аниқлайди.

## 5.4. Қарорлар назарияси. Муқобил вариантларни танлаш ва баҳолаш

Қарорлар назарияси қарор қабул қилиш жараёнига умумий ёндошишни ифодалайди. У ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасида кенг доирада қўлланилиши мумкин, улардан ишлаб чиқариш қуввати ҳажмини режалаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, асбоб ускуналарни танлаш, ишлаб чиқаришни жойлаштириш.

Қарор қабул қилувчи шахс (ҚҚҚШ) бундай ёндошувни қўллаган ҳолда:

1) бўлғуси объектив шартларни аниқлаши (масалан, талаб паст, ўртача ёки юқори бўлади: имзоланган шартномалар сони 1,2 ёки 3 та бўлади, янги маҳсулот рақабини тақдим этиш ёки этмаслик)

2) Ҳеч нарса қўлламай кутиш керак бўлган муқобил вариантлар рўйхатини ишлаб чиқиши;

3) Ҳар қандай бўлғуси шартларда барча муқобил вариантларни ўз харажатларини қоплашини аниқлаши ёки тахминан баҳолаши;

4) Агар иложи бўлса, ҳар қайси бўлғуси шартнинг эҳтимоллигини (даражасини) баҳолаши;

5) Муқобил вариантларни қарорнинг танланган мезони бўйича баҳолаш (масалан, келиши мумкин бўлган максимал фойда) ва улар ичидан энг яхшисини танлаши керак.

Муқобил вариантни баҳолаш кутилаётган бўлғуси шартлар билан алоқадор аниқлик даражасига боғлиқ ҳолда фарқланади. Бу ерда яна 3 та вариант мавжуд бўлади: аниқлик, риск (таваккалчилик) ва ноаниқлик.

**Қарор қабул қилиш шартлари.**Аниқлик шартида қарор қабул қилиш.

Бўлғуси мумкин бўлган шартларнинг қай бири амалга ошиши аниқ маълум бўлганда, қарор нисбатан деярли оддий бўлади. Бунақа шартларда ўзини энг кўп оқлайдиган муқобил вариантни танлаш керак. Бу вазиятни қуйидаги мисол билан изоҳлаш мумкин.
Энг яхши муқобилни танлаш. 15.1. жадвалда берилганлар асосида талабнинг 1) паст; 2) ўрта; 3) юқори бўлиши аниқ бўлса, энг яхши муқобил вариантни аниқланг.

**Ноаниқлик шартида қарор қабул қилиш**. Қарор қабул қилиш шартларининг қарама-қарши варианти бу тўлиқ ноаниқлик яъни турли шарт-шароитлар эҳтимоли тўғрисида мутлақо ҳеч қандай ахборот йўқ. Бу ҳолатда қарорнинг 4 та мезони бўлиши мумкин: максимал, максимакс Лаппас ва энг кам зиён (зарар) мезонлари. Бу мезонларни қуйидагича анқлаш мумкин.

Максимал (maximin) – ҳар қайси муқобил вариант учун ўзини қоплаши энг минимал бўлиши мумкин бўлганини аниқланг ва улар ичидан энг яхши қабилида муқобил вариантни танланг. Максимакс (maximax) – ўзини қоплаши энг яхши бўлиши мумкин бўлган муқобил вариантларни аниқланг ва улар ичидан ҳам энг яхшисини танланг.

Лаппас критерийси (мезони) (Laplace) – ҳар қайси муқобил вариант-нинг ўртача ўзини қоплашини аниқланг ва энг яхши ўртача муқобил вариантни танланг.

Энг кам зиён (зарар) критерийси (мезони) (minimax regret) – ҳар қайси муқобил вариантнинг кўрсатиши мумкин бўлган ёмон (минимал) натижаларни аниқланг ва улар ичидан яхши натижали вариантни танланг.

Максимин мезони ўз моҳиятига кўра пессимистикдир, чунки ҳар қайси муқобил вариант учун мумкин бўлган барча натижалар ичидан фақат энг ёмони ҳисобга олинади. Бундай ёндошув, гарчи, амалдаги натижа у даражада ёмон бўлмаса ҳам кафолатланган минимумни белгилайди.
Максимакс ёндошув – бу оптималистик хужумкор стратегия: бу ерда энг яхши натижадан ташқари ҳеч қайси мумкин бўлган натижа ҳисобга олинмайди.

Ушбу барча критерийларнинг (Лаплас мезонларидан бошқа) асосий заиф томони шундаки, барча натижалар эмас, фақат энг ёмонлари (минималлари) ёки аксинча, энг яхшилари ҳисобга олинади. Шунинг учун ахборотларнинг бир қисми йўқотилади.

Лаплас мезонларининг шундан иборатки, барча шартлар тенг эҳтимолли деб ҳисобланади. Бироқ аниқ ҳолатларда маълум ҳолатларда ушбу усуллардан ҳар бири ўзининг қарорни ишлаб чиқаришда ёрдам берадиган афзалликларига эга бўлади.

Таваккалчилик шартида қарор қабул қилиш. Аниқлик ва ноаниқлик орасида ҳар бир шартнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини баҳолаш мумкин бўлган товаккалчиликка асосланган қарор қабул қилиш ҳолати мавжуд бўлади.

Бундай ҳолатларда кенг қўлланиладиган ёндошув кутилаётган фойда мезонларидир.

Кутилаётган фойда ҳар бир муқобил вариант учун ҳисобланади ва шундан кейингина энг катта кўрсаткичли муқобил вариант танлаб олинади. Кутилаётган фойда

ҳар бир муқобил фойдасининг қийматлари йиғиндисини ташкил этади, шу билан бирга ҳар бир қиймат тегишли шарт эҳтимоллиги нуқтаи-назаридан тарозига солинади.

Шу тарзда, кутилаётган фойда мезонларининг ишлатиб, ҳар қайси муқобил вариантдан келиши мўлжалланган фойда қийматини аниқлаш, ҳамда энг катта қийматли фойда келтирувчи вариантни танлаш мумкин.

## 5.5. Ишлаб чиқариш ва маркетинг қарорлари: зиддият ва компромисс

Ишлаб чиқариш функциялари қарорларини қабул қи-лишда жиддий таъсир этиб, уни ташкил этиш бўйича ва ундан кўриладиган самарага (айниқса, ташкилот ривожланиши танлашда, унинг инфраструктурасини, ишлаб чиқаришга инвестицияларни амалга оширишда) узоқ муддатда эришилади ва ташкилотнинг яшаб қолишда, муваффақиятли фаолиятда муҳим ролқ ўйнайди.

Ишлаб чиқариш менежерлари ташкилот қарорларини қабул қилишга унинг бошланғич босқичидан жалб этилиши зарур. Қарорлар мисол учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотни танлаш, ташкил этувчи компонентларни четдан олиш бўйича бўлиши мумкин. Инвестиция ҳажми, техник жиҳозлар, ишчи кучи ташкилотнинг узоқ муддатли мақсад ва вазифаларига мувофиқ бўлиши керак.

Кўп йиллар давомида жаҳон бозорида вазият шундай юзага келдики, бунда корхоналарга ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш билан, талабни тўлиқроқ қондириш фойдали бўлиб қолиб, бу мақсад улар фаолиятининг асосий маркетинг стратегиясига айланди.

Маркетинг нуқтаи назаридан қанчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса, шунчалик аниқ устунликка эришиш кўпроқ мукин бўлади, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан эса, тескариси ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар доираси қанчалик тор бўлса, ишлаб чиқариш қувватларини шунчалик самарали ишлатиш мумкин. Маҳсулот ассортименти шундай танланиши керакки, мавжуд технологик жиҳозлар самарали фойдаланиши мумкин бўлсин.

**Мисол,** вазият шу билан мураккаблашадики, одатда ишлаб чиқариш менежерлари ўз функцияларини самарали бажаришлари учун цехдаги махсус таълим олмаган ишлаб чиқариш ходимларини жалб этилади. Амалда уларнинг мажбуриятларига узоқ муддатли стратегияларни ҳисобга олинмайдиган кундалик ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш киради. Шунинг учун юқори звено раҳбарлари доимо корхонанинг ривожланиши стратегик мақсадларига эришишига қизиқишлари туфайли маркетинг ва ишлаб чиқариш қарорлари ўртасида компромисга эришилади.

Сотув ва маркетинг бўлимлари учун самарадорлик махсулотлар турига боғлиқ бўлмаган сотилган маҳсулотлар умумий ҳажми билан аниқланади. Лекин ишлаб чиқаришда харажатлар маҳсулот ассортиментига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар хил

турдаги сотилган маҳсулотлар ҳажми ва маълум вақт оралиғида ишлаб чиқилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ҳажми ўртасидаги пропорцияни сақлаш муҳим. Маркетинг бўлими доимо ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омиллар, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ёки ўзгаришлар таркиби ҳақида маълумотларга эга бўлиўи зарурки, бозордаги ўзгаришлар ва улар ортидан ишлаб чиқариш қобилиятлари ўртасидаги алоқа сақланиб қолсин. Ўз навбатида ишлаб чиқариш менежерлари ишлаб чиқариш да ресурсларни шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтиришлари керакки, бундай маҳсулотларга бозорда талаб катта бўлиб, корхонанинг фаолияти юқори самарадорликка эришсин.

Қарор қабул қилиш ишлаб чиқариш ва операцияларини бошқаруви-нинг асосий қисмидир.

Қарорлар назарияси – бу қарор қабул қилишга умумий ёндошувдир. Қарорлар назарияси таснифлаш мумкин бўлган турли усулларни ўз ичига олади. Ҳал қилинадиган муаммоларни таҳлили учун кўргазмали график инструментлари – турли график боғлиқлик турлари қарорлар дарахти ва бошқалар мавжуд.

Корхоналарнинг бозорга чиқишида технологиянинг эгри ривожланиши ва эгри ўқув машғулотлари кўпинча стратегик аҳамият касб этади, айниқса, корхона ўз ўрнини тез забт қилмоқчи бўлган ҳолларда. Бозор улушининг ортиши қўшимча ишлаб чиқариш ҳажмини барпо қилишга, бир бирлик маҳсулотнинг таннархини кичрайтиришга ва бу жараёнда қўшимча рақобатбардош ҳусусиятларини орттиришга олиб келади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Ишлаб чиқариш ва маркетинг қарорларининг фарқи нимада?
2. Компромис тушунчасини изоҳлаб беринг.
3. Қарорлар қабул қилишга қанақа омиллар таъсир этади?
4. Қарор қабул қилишдаги моделларни айтиб беринг.
5. Талабнинг эгри ҳаётий жараёни нима?
6. Меҳнат харажатлари материал харажатларига нисбатининг 3 омилини биласизми?

## 4 –мавзу.Автомобиль йўллар корхоналарида йўл қурилиш ишлар режасини ташкил этиш асослари

**Режа:**

**4.1. Автомобиль йўллар корхоналарида йўл қурилиш ишларини режалаштириш асослари.**

**4.2. Йўлларни сақлаш ишлари бўйича режалаштириш**

**4.3. Йўл қурилиш ишларини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари**

### 4.1. Автомобилқ йўллар корхоналарида йўл қурилиш ишларини режалаштириш асослари.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режалари дастурининг асосий бўғинларидан бири, бу республикада йўл хўжалигини ривожлантириш режаси ҳисобланади.

Мамлакат транспорт системаси муаммоларини ҳал қилишда - бу режалар автомобилқ йўллари тизимини ривожлантириш ва техник мукаммаллаштиришда бир қанча чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб қилади. Асосий тадбирларга янги автомобилқ йўлларини қуриш, амалдаги йўлларни қайта қуриш, реконструкция қилиш, шунингдек уларни таъмирлаш ва сақлаш ишлари киради.

Йўл хўжалигини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқарилаётганда мақсадли-дастурий ёндашув, узоқ муддатлилик, узлуксизлик каби умумий ривожланиш принципларига риоя қилинади.

Режалаштиришнинг мақсадли-дастурий ёндашуви бу халқ хўжалигининг барча тармоқларини режалаштиришда охирги мўлжал бу унинг оқибатида қайд этиладиган кўрсаткичлардир.

Автомобил йўлларини бошқариш тизимида режалаштиришнинг асосий вазифалари халқ хўжалиги ва аҳолини юқори сифатли ва каровли автомобил йўллари тизимини яратиш бўлиб, бу орқали автомобилда ташувларга бўлган талабни қондиришдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун кенг мақсадли вазифа-дастур мажмуаларини тузиш ва уларни амалга оширишнинг босқичма-босқич режаларини яратиш керак.

Жумладан:

Халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари тизимини яратиш;

Барча қишлоқ аҳоли пунктларини умумий тизимдаги қаттиқ қопламали автомобил йўлларига чиқишини таминлаш;

Тизимдаги барча автомобил йўллари ҳолатини, уларга белгиланган меъёрий ҳужжатлардаги /СН и П/ талабларга мослаштириш;

Автомобил йўлларини тамирлаш ва сақлашнинг юқори сифатини таминлаш;

Узоқ муддатлилик режалаштириш, йўл хўжалигининг ривожлантириш режаси асоси, бошқа тармоқлардаги каби узоқ муддатлардаги келажакка мўлжалланади. Узоқ муддатли режалаштиришсиз, давлатнинг иқтисодий ривожлантириш, илмий техникавий прогрессни ва қурилиш, ишлаб-чиқаришнинг асосий муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бу ижтимоий-иқтисодий ва илмий техникавий ривожланишга асосланган истиқболни ҳисобга олган режалар дастурини яратиш зарур.

Йўл хўжалигида истиқбол режалари 20 йилга мўлжалланган бўлиб, унда давлатнинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши илмий-таҳлилий ривожланиш босқичлари асос қилиб олинади.

<u>Узлуксизлик режалаштируви</u> – бу халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда келажакдаги автомобил йўллари тизими истиқболини ҳисобга олиб, бошқа йўналишдаги тармоқларнинг ривожлантириш режаларини яратишда асос бўлиб хизмат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида Республика автомобил йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш, ўрта таъмир режалар дастури 2006-2010 йиллар ишлаб чиқиб тасдиқланган.

Ушбу тасдиқланган қарор асосида компания тизимидаги корхона ва ташкилотлар ўзларининг йиллик иш режаларини тузиб чиқиб, компания бошқаруви тизимига тақдим этиб тасдиқлайди.

Йўл қурилишида ишлаб чиқариш тамойиллари ва ташкил этиш масалалари режасини яратишда асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- асфалкт ва цемент-бетон заводлари, тош материалларини ишлаб чиқариш, битум ва эмулсия базалари, темир бетон заводи ва майдонлари қуввати;
- турли мақсадли омборхоналар, таъмир-механика устахоналари, йўл қурилиш техникаларига хизмат кўрсатиш устахоналари ва уларнинг турар жойи, маъмурий-маиший хўжалик юритиш бинолари;
- электростанция ва трансформатор подстанциялари, компрессор станциялари, ичимлик суви, артизан сувлари, сувоқава, иссиқ сув, ички электр, иссиқлик ва сув таъминоти масалалари таъминоти, пешоб чиқариш базалари доимий /стационар/ инвентар ярим доимий /полустационар/ ва кўчма таркибда бўлиши мумкин. Шунинг учун йўл хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш режаларини тузишда объектнинг

характерига қараб (янги йўл қурилиши қайта таъмирлаш ёки сақлаш) иш режаларини тузишади.

Қўйилган вазифани амалга ошириш учун навбатдаги бошланғич маълумотлар зарур бўлади.

Автомобиль йўлларини бошқаришни режалаштиришда икки хил режадан фойдаланилади- булар истиқбол (переспектив) ва жорий (йиллик) режалардир. Бир неча йилга мўлжалланган ва автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш масалаларини хал этишнинг йўналишларини белгилаб беришда келажакдаги режалаштириш етакчи ўрин тутади.Келажакдаги режаларнинг йўл ташкилотлари томонидан тузиладиган асосий шакли беш йиллик режалардир.

Беш йиллик ва йиллик таъмирлаш ишларини ва уларни худудий йўл ташкилотлари, автомобил йўллари миқёсида бажариш учун ажратилган маблаг ва моддий техника манбааларининг хажмларини режалаштиришда йўл жихозлари ва қопламалари ва айрим иншоотларнинг таъмирлашлар орасидаги хизмат қилиш муддатлари хақидаги меъёрларга (ВСН 41-88) асоосланади.

Таъмирлаш ишлари, маблаг ва моддий-техника манбааларининг ва йиллик хажмларини қуйи йўл-таъмирлаш ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилотлари даражасида режалаштириш йўлларнинг хақиқий холатини бахолаш асосида, йўлнинг таъмирланган қисмларини (таъмирланган қисм жойлашган манзил), бажарилиши зарур бўлган таъмирлаш ишларининг турлари ва хажмини аниқ кўрсатилган холджа амалга оширилиши лозим.

Йўл –таъмирлаш ишларининг келажакдаги режаларида вилоятларнинг йўл бошқармаларига, автомобил йўлларига ва уларга қарашли ташкилотларга йўл тўшамаларининг мустахкамлигинин ошириш, кўприкларнинг мустахкамлигини кучайтириш ва кенайтириш, харакат хавфсизлиги ва қулайлигини ошириш (қатнов қисмини кенгайтириш, қўшимча тасмаларни қуриш, йўл ёқасини мустахкамлаш, гадир-будир юзага ишлов бериш, тўсиқлар ва бошқа мухандислик жихозларини ўрнатиш) каби мақсадга йўналтирилган топшириқлар белгиланиши мумкин.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича молиявий режанинг асосида чораклик, ойлик, ўн кунлик ва бир кунлик режалар ишлаб чиўилади.Амалий режалаштириш йўлдан фойдаланиш хизматининг барча қуйи бўгинларига режа кўрсаткичларини етказиб бериш лозим.

Йил учун тузилган режаларда ажратилган манбалардан оқилона фойдаланиш мақсадида йўлларни таъмирлаш нинг аниқ хажмлари техник-иқтисодий тахлил асосида белгиланади.

## 4.2. Йўлларни сақлаш ишлари бўйича режалаштириш

Автомобиль йўлларини сақлаш жорий амалий ишлаб-чиқариш режалари асосида амалга оширилади.

Жорий режалар йил ва йилнинг чораги учун тузилади.Уларда қуйидаги асосий кўрсаткичлар мавжуд бўлади: йўллар ва йўл иншоотларини сақлашнининг сифатига доир

топшириқлар; жорий йилда сарфланиши режалаштирилган маблагларнинг йил чоракларига бўлиб сарфлаш режаси; бир йил давомида бажариладиган ишлар режаси ва уни чоракма-чорак бажариш режаси.

Йиллик режалар, иш олиб борилаётган йўл қисмларини текшириш натижалари хақидаги маълумотлар, сифатназорати хизматининг таклиф ва мулохазалари, мехнат ва бошқа манбааларни режа асосида сарфлаш меъёрлари ойлик режаларни тузиш учун асос сифатида хизмат қилади.

Ойлик режа юқори иш юритувчи (прораб) томонидан тузилиб, йўл ташкилотининг рахбари томонидан тасдиқланади.Йўлларни сақлаш бўйича дастурлар кўриб чиқилаётганда йўлларни таъмирлаш ишлари билан мувофиқлаштирилади.

Режа режалаштирилаётган иш хажмлари, бу хажмларни бажариш учун қанчалик мехнат ресурслари талаб қилиниши, иш хақи учун тўланадиган харажатлар, материаллар сарфи ва х.к. ўз ичига олади.

### 4.3. Йўл қурилиш ишларини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари

Давлат буюртмалари транспорт алоқаларини ривожлантиришда биринчи навбатда турган ижтимоий талабларнинг қондирилишини кафолатлайди, яъни ижтимоий-иқтисодий нуқтаи-назаридан энг муҳим бўлган автомобилқ йўлларини реконструкция қилиниши ва таъмирланишидир. Буларга, асосий фондларни ишга тушириш, марказлашган капитал маблағлар ҳисобига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари қурилишларига ажратилган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни киритиш мумкин; муҳим (титуллари кўрсатилган) йўлларни таъмирлаш бўйича натурал кўрсаткичларда ифодаланган иш ҳажмлари.

Узоқ муддатли иқтисодий нормативлар бутун беш йиллик мобайнида умумдавлат манфаатларини хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ҳар қайси ишловчининг манфаатлари билан муқим нормативлар орқали боғлайди. Улар ўз таркибига ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичлар тизимида пропорцияларни аниқловчи иқтисодий рағбатлантириш фондлари ҳосил қилиш нормативлари, иш ҳақи фонди ва бошқа нормативларни олади.

Лимитлар – давлат режасига киритилган йўллар қурилиши ва реконструкциясига давлат инвестицияларининг миқдори, ҳамда йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлаб чиқариш талабларини қондириш учун марказлашган ҳолда тақсимланадиган моддий ресурсларнинг чегараларини белгилайди.

Ҳозирги кунда йўл ташкилотларининг қурилиш ва таъмирлаш бўйича ишларининг ҳажмлари ва ҳарактери кун жиҳатдан – уларнинг фаолият зонасида жойлашган

иқтисодиётнинг турли тармоқларига қарашли корхона ва ташкилотлардан тушадиган буюртмаларга боғлиқ. Буюртмаларда қурилиш ва таъмирланиш объектлари рўйхати, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ишга тушириш муддатлари кўрсатилади. Йўл ташкилотлари буюртмаларни қабул қилишда буюртмачи корхоналарнинг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишига тайёргарликларини текширадилар: лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишининг ҳолати, қурилиш учун ажратилган майдоннинг мавжудлиги (қурилиш ҳудуди), молиялаштиришнинг таъминланганлиги ва ҳоказолар.

Йўл қурилиш ва таъмирлаш ишлаб чиқариш режалари йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари билан мувофиқлаштирилади. Агар режалаштирилган ишлар программасини бажариш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари камлик қиладиган бўлса, аммо корхоналар манфаати уларнинг кенгайтиришни талаб этса, у ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш ва ривожлантириш, қурилиш ва таъмирлаш техникалари паркини ўстириш бўйича, ҳисоб-китобларга асосланган ишлаб-чиқариш қувватларини кенгайтириш режаси тузиб чиқилади.

Йўлларни қурилиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва яроқли ҳолда сақлаб туриш ишлари ҳажмининг ортиб бориши йўл хўжалиги ишлаб чиқариш базаси қурилиш (реконструкция), таъмирлаш ва йўлларни яроқли ҳолда сақлаб туришни таъминловчи, асфалқт ва цемент-бетон заводлари, тош материалларини қазиб олиш ва қайта ишлаш базалари, битум ва эмулқсия базалари, темир йўл ёқасидаги цемент (минерал кукун) базалари, тош материаллар, йиғма темир-бетон заводлари ва полигонлари, ҳар хил омборхоналар, ремонт-механика устахоналари, йўл машиналарига техник хизмат кўрсатиш пунктлари ва йўл хўжалиги транспорт воситалари, ҳамда уларнинг туриш жойлари, маъмурий-маиший объектлар, электростанциялар, транспортлар подстанциялари, қозон ускуналари, компрессор станциялари, сув ўтказгичлар, артезиан қудуқлари, тозалаш иншоотлари, майдон ичи электр, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналарининг ривожланиши ҳамда жойлаштирилиши муаммосини келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқариш базаси корхоналари узоқ муддат бир ерда туриб ишлайдиган стационар, машина ва ускуналар тўпламидан ташкил топган инвентарқ, йиғма ва ҳаракатланувчан бўлиб, йўл асоси ва қопламаси қўйиладиган жой яқинида йиғиладиган ҳам бўлади.

Йўл хўжалигининг битта корхонаси янги қурилиш, таъмирлаш, йўлларни яроқли ҳолда тутиш каби ишларни бажара олганлиги учун, бундай корхоналарни ривожлантириш

ва жойлаштириш, йўл хўжалигида бажариладиган тўлиқ ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

Масалани ҳал этиш учун бирламчи ахборот зарур: ҳудуд бўйича истеъмолчилардан корхонанинг маҳсулотига бўлган талаб; ишлаб чиқариш қувватларининг турлари ва ўлчамлари – янги тузилаётган корхоналарнинг қувват имкониятлари, янги қурилиши мумкин бўлган корхоналарнинг қувватлари ва жойлашиши; барча жойлашув нуқталарда қувват имкониятлари бўйича бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришга бўладиган солиштирма сарф-харажатлар; ҳар қайси жойлашув манзилидан истеъмолчиларга маҳсулотни ташиб етказишга бўладиган солиштирма харажатлар.

Бу тўртта кичик масалаларга бўлинади:

1. Режалаштирилаётган даврнинг охирги йилига йўл хўжалиги корхоналарининг ривожланиши ва жойлашувини режалаштириш. Натижада корхоналар ривожланишининг мақсади – режанинг бажарилиши орқали эришиладиган охирги якун кўзга ташланиб қолади. Ушбу масаланинг ечими жараёнида қандай қувватларни қайси пунктларга режалаштириш даврининг охирги йилига бориб жойлаштириш самаралироқ бўлишлиги аниқланади. Ундан ташқари, кўрсатилаётган йил учун корхоналарни уларнинг маҳсулотлари истеъмолчилар билан оптимал схемада бириктириш ҳисоб-китоблари ҳал этилади. Натижада кўзланаётган мақсад, ишлаб чиқариш ва транспорт харажатларидан ташкил топган минимал солиштирма харажатларга тўғри келадиган жойлаштириш амалга ошади.

2. Режага кирган барча корхоналар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш. Бундай ҳисоб режалаштирилаётган даврнинг охирги йилига ва бутун кўриб чиқилаётган даврга корхоналарнинг истеъмолчилар билан бириктирилиши оптимал деган нуқтаи назардан бажарилади. Бундай нуқтаи назарнинг асоси корхоналар ўртасидаги алоқаларнинг узоқ муддатли бўлиши рационаллигидир.

3. Ҳар бир корхонадаги талаб этилаётган ишлаб чиқариш ҳажмига мос равишда ишлаб чиқариш қувватларини ўстириб боришни режалаштириш. Бундай режани ишлаб чиқиш ўзига мустақил алоҳида масала, чунки ишлаб чиқариш қувватларини кўп марта кичик-кичик босқичлар билан ўстириб бориш капитал маблағлар сарфининг ўсишига олиб келади, ишлаб чиқариш қувватларини бирданига кескин равишда кўтариш эса улардан тўлақонли фойдаланишни қийинлаштириб, эксплуатацион харажатларнинг кўпайиб кэтишига олиб келади. Режалаштириш жараёнида ишлаб чиқариш қувватларини ўстиришнинг шундай варианти аниқланадики, унда (барча йиллар бўйича) ишлаб чиқариш солиштирма харажатларининг умумий миқдори иложи борича минимал бўлсин.

Ҳар битта корхона учун ишлаб чиқариш қувватларини ўстириш бўйича оптимал режа ишлаб чиқаришнинг натижаси биринчи галдаги вазифа ечими бўйича белгиланган, йўл хўжалигини ривожлантириш мақсадида тузилган дастурдир.

4. Режалаштирилаётган давр ичида корхоналарни маҳсулот истеъмолчиларига бириктириш схемаларини аниқлаштириш.

Йўл хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштиришнинг ва жойлаштиришнинг барча кичик масалалари, иккинчиси бундан мустасно, оптимал масалалар бўлиб, иқтисодий математик услублар ва электрон-ҳисоблаш техникаси қўлланишини талаб қилади.

Биринчи ва тўртинчи масалаларни ҳал этишда чизиқли, учинчисида эса динамик дастурлаштириш услубларидан фойдаланилади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Автомобиль йўллар корхоналарида йўл қурилиш ишларини режалаштириш асослари.

2. Йўлларни сақлаш ишлари бўйича режалаштириш

3. Йўл қурилиш ишларини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари

4.Йўл хўжалигини ривожлантириш режаларининг асосий тамоиллари

5.Йўл хўжалигини ривожлантириш режаларининг турлари

6.Йўл хўжалигини ривожлантириш режалари нималардан иборат

## 5 -мавзу. Автомобиль йўллар корхоналарида йўл қурилиш ишларини ташкил этиш асослари

**Режа:**

**5.1.Йўл-қурилиш ишлаб чиқаришнинг асосий ташкилий хусусиятлари.**

**5.2. Автомобиль йўллари қурилишига ташкилий-техникавий тайёргарлик кўриш.**

**5.3. Йўл қурилиш ишлари мобайнида автомобиллар ҳаракатини ташкил этиш.**

### 5.1. Йўл-қурилиш ишлаб чиқаришининг асосий ташкилий хусусиятлари.

Автомобиль йўллари қурилишида бажариладиган ишлар ўз вазифаси, қўлланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзига хос ташкилий хусусиятларига кўра уч гурухга ажратилади: қурилиш-монтаж ишлари, тайёрлаш ишлари, транспорт ишлари.

Қурилиш-монтаж ишлари деб, бевосита объектда бажариладиган, лойихага мувофиқ равишда иншоотларни қуриш ва монтаж қилиш ишлари тушуналади. Бу ишлар тугатилгандан кейин йўл тасарруфга топширишга тайёр холда болиши керак. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун тайёрлаш ишлари жараёнида тайёрланадиган турли материаллар керак болади.

Транспорт ишлари деб, йўл-қурилиш материалларини, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва ясалиш жойларидан ишлатилиш жойига етказиб бериш ишлари деб айтилади. Транспорт ишлари қурилиш-монтаж ва тайёрлаш ишлари ўртасидаги боғловчи звенодир. Уччала гурух ишларининг барчаси объектлар ва бажарилиш вақтлари бўйича ўзаро жуда пухта боғланган.

Қурилиш-монтаж, тайёрлаш ва транспорт ишлари фақат биргаликда комплекс кўриб чиқилгандагина, ташкилий ечимлардан самарали натижалар олиш мумкин бўлади.

